

**ЗАҲИРИДДИН  
МУҲАММАД  
БОБУР**



**Жиҳоду·с·саҳаб**



ТОШКЕНТ  
АБДУЛЛА ҚОДИРӢ  
НОМИДАГӢ  
ХАЛҚ МЕРОСӢ  
НАШРИЁТИ

Бобур. Захириддин Мұхаммад.

Қитобу-с-салот/.Масъул мұхаррир А. Рустам/.— Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриети, 1993; 72 б.

Буюк бобокалонимиз Захириддин Мұхаммад Бобурнинг ижоди ниҳоятда серқиrrа. Киши ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан пок ва мукаммал бўлиши керак — ул зотнинг ўзларидан кейинги авлодларга қолдиргани адабий меросларининг асосий гояси мана шу. Қўлингиздаги «Қитобу-с-салот»—«Намоз китоби» бунга яққол далиллар. Гарчи бошлари бир умр қувғинлик ва мусофирик ташвишларидан чиқмаган эса-да, гоҳ таҳорат, гоҳ таяммум билан ўзларини пок тутиб, мусулмонлик фарзу суннатини ёзиб қолдирганлари учун биз асрлар оша бобомиз Бобурнинг руҳи покла-виҳибдири.

Бабур, Захириддин Мухаммад. Книга о намазе.

Нашрга тайёрловчи: *Сайдбек ҲАСАН*  
Масъул мұхаррир: *Алибек РУСТАМ*  
Мұхаррир: *Амир ФАЙЗУЛЛА*

ББК 86.38

Б 0403000000—47  
М 361(04)—93 71—93

© Абдулла Қодирий номидаги халқ  
мероси нашриёти, 1993 йил.

ISBN 5-86484-090-4

## БИ-СМИ-Л-ЛАҲИ-Р-РАҲМОНИ-Р-РАҲИМ

Бобур әмди дегил икинчи фарз,  
Дейилур сўзни анда қилғил арз.

Бу икинчини бил намоз-дурур,  
Бандадин тенгрига ниёз-дурур.

Кечакундузда вақти беш бўлмиш,  
Узр эмас мунда ҳеч нима, ҳеч иш.

Бил-ки бу фарзда фаройиз<sup>1</sup> бор,  
Яна бор вожибот-у<sup>2</sup> суннатлар.<sup>3</sup>

Мустаҳаб-лар-дур-у<sup>4</sup> адаб-лар-дур,  
Шаръ аҳли аро муқаррар-дур.

## НАМОЗДИН ТАШКАРИГИ ОЛТИ ФАРЗНИНГ БАЁНИ

Фарз ўн ики-дур намозда бил,  
Билибон ҳар бирини йерида қил.

Олтисин бил намоз хорижида,<sup>5</sup>  
Яна олтисини намоз ичийда.

Нечаси шарт-дур булардин бил,  
Яна бир нечасини руҳи дегил.

## НАМОЗ ФАРОИЗИНИНГ БАЁНИ

Олти хорижни бурна<sup>6</sup> арз қиласай,  
Сўнгра шарҳ ул олти фарз қиласай.

Шарти аввал-ки ул таҳорат-дур,  
Бил бул уч фарздин иборат-дур.

<sup>1</sup> Фаройиз (бирл. фариза) — фарз (шариатта қилинсин деб буюрилган) бўлган амаллар. <sup>2</sup> Вожибот (бирл. вожиб) — «қил!» деб буюрилганига бироз шубҳа бўлган амал. <sup>3</sup> Суннат — Расулиллоҳнинг доим қилиб юриб бир ё икки мартагина тарқ қилган амалидир. <sup>4</sup> Мустаҳаб — Расулиллоҳнинг баъзан қилиб, баъзан қилмаган амалларидир. <sup>5</sup> Хориж — ташқари. <sup>6</sup> Бурна — олдин, аввал.

Бири йер, бири тўн, бири сув-дур,  
Ул ўн иккидан учи ушбу-дур.

Бу таҳорат бадандаги керак,  
Тўрт ўлур фарз аниг била бешак.

Фуқаро фарзларни-ким атамиш,  
Покликда фариза уч санамиш.

Дема-ким бирини унутуб-турлар,  
Танни-йу тўнни бир ту tub-дурлар.

### СУНИНГ МАСОЙИЛИ

Чун ариғлиғ бори бўлур судин,  
Бурна сунинг таҳоратини дейин.

Бил масойилни жаҳл ила сўрғон,  
Бир равон су-дурур яна турғон.

Бўл оқар су ақаллидин<sup>8</sup> огоҳ,  
Ким оқарда оқизса бир пар-и коҳ<sup>9</sup>

Бу суни тоҳир-у мутаҳҳар<sup>10</sup> бил,  
Ҳар нима йур эсанг бу суда йувғил,

Лек оқар суда бор-дурур иғири,  
Нимани анда йумасун ҳеч ким,

Гар нажосат била ўлукса кўрур,  
Бу оқар суда анда ҳукм бу-дур

Гар сунинг нисфи<sup>11</sup> ё кўпига тегар,  
Су ариғсиз-дур андоқ ўлса агар.

Яна турған сунинг ақаллини бил,  
Бу-дурур айтайн, сен эшиткил.

Гар бу сунинг мураббаъ<sup>12</sup> ўлса йери,  
Бўлса аниг мұхити<sup>13</sup> қирқ қари,

Шаръ эли дер муни даҳ дар даҳ<sup>14</sup>  
Бу оқар судек ўлди, бўл огаҳ.

Деди бу газни шаръ йетти тутам,  
Бу масоҳа<sup>15</sup> гази-дур, эй ҳамдам.

Гар мудаввар<sup>16</sup> кўрунса бу су йери,  
Теграси керак ўтуз олти қари.

Гар узун су эса масоҳат<sup>17</sup> қил,  
Йуз қари бўлса хуш таҳорат қил.

Арз<sup>18</sup> ҳам бир қари керак бўлғай,  
То бу сувлар киби демак бўлғай.

Ушбулар умқи<sup>19</sup> бил етар бу қадар,  
Йери кўрунмагай сув олсанг агар.

Арзи ул-дур-ки ҳар сувни кўрсанг,  
Тул<sup>20</sup> ила арзини йиғиштурсанг.

Даҳ дар даҳча бўлса пок-дурур,  
Анда ҳар-не йусанг не бок-дурур.

Ушбу сулар-ки мен баён эттим,  
Борининг ҳукмини аён эттим.

Лави,<sup>21</sup> ё таъм, ёхуд ис бирла,  
Мутагайири<sup>22</sup> эса, нажас бирла.

Билингиз ушбу суни ариғсиз,  
Ижтинооб<sup>23</sup> айлангиз гар ариқсиз.

Су кириб чиқса, кетса тағири,  
Аририда бу бўлди тадбири.

Гар нажас тушса ўзга суларға,  
Не-дурур шаръ ҳукми буларға.

Анда тағири лозим эрмас-тур,  
Нажас ўлмоқға андаки бас-дур.

Бўлса бу суда бир ўлук ҳайвон,  
Бўлмағон бўлса анда хун равон.

Йо су ҳайвонларидин ўлса суда,  
Ушбуларнинг ўлуги бўлса суда:

Чибин-у пашша-ву чайн янглиғ,  
Бақа-ву панжпойа-ву балиғ,

Бу су бўлмас нажас, бўлунг огаҳ  
Нечаким бўлмаса даҳ дар даҳ.

<sup>7</sup> Масойил (бирл. масъала) — масъалалар. <sup>8</sup> Ақалли — энг кам меъёр, минимум. <sup>9</sup> Пар-и коҳ — сомон донаси. <sup>10</sup> Мутаҳҳар — тоза, тозаланган. <sup>11</sup> Нисф — ярум. <sup>12</sup> Мураббаъ — квадрат, тўртбурчак. <sup>13</sup> Мұхит — қуржов. <sup>14</sup> Даҳ дар даҳ — ўнга ўн. <sup>15</sup> Масоҳа — сатҳ.

<sup>16</sup> Мудаввар — думалок, доира шаклида. <sup>17</sup> Масоҳат — ўлчаш. (сатҳи). <sup>18</sup> Арз — эн, бўй. <sup>19</sup> Умқ — чуқурлик. <sup>20</sup> Тувл — узунлик. <sup>21</sup> Лави — раинг. <sup>22</sup> Мутагайири — ўзгарган. <sup>23</sup> Ижтинооб — қочиш, четлашиш.

Гар ғадирега<sup>24</sup> кирса оқар су,  
Йойилиб борса, анда су ҳар сў.  
Бир нажосатқа етти су ногоҳ.  
Лек бўлмай-дурур даҳ дар даҳ.  
Пок эмас ушбу кўл суи билингиз,  
Зинҳор у судин ҳазар қилингиз.  
Ҳар иачон ул ғадир-ким тўлғай,  
Орир ул чоғ-ки су равон бўлғай.  
Шаръ ҳаммом сунни деди пок,  
Ҳар-не бу су билан йусанг, не бок.  
Бўлса бу су нажаслиғи зоҳир,  
Су кириб чиқғач-ўқ бу су арир.  
Су оқиб кирса, олсалар йеридин,  
Йо равон бўлса тошибон йеридин.  
Бўлур оқар су ҳукмида бу су,  
Ўзга ҳар пима йур эсанг, кел йу.

Одамий оғзи суйи тоҳир-дур,  
Бил-ки, ул тоҳир-у мутаҳҳар-дур.  
Гар жанааб<sup>25</sup> бўлсун-у агар кофир,  
Билга-сен оғзи суйини тоҳир.  
Билга-сен-ким ҳалол ҳайвоннинг,  
Сури пок ўлди-йу ҳам инсоннинг.  
Ҳар нима-ким этин йеса бўлмас,  
Сурини ҳам ариғ деса бўлмас.  
Лек билгил-ки, сур-и бағалу<sup>26</sup> эшак,  
Бўлди машкук<sup>27</sup> мунда йўқ-дур шак.  
Сокин-и байт<sup>28</sup> ила сибоъ<sup>29</sup> туйур,  
Сури макруҳ шаръ эли деб-дур,  
Мисли сичқон, яна мушук, яна мор,  
Қарчиғой бирла лочин-у шунқор.  
Гар товуқ-дур чароий, эй доно,  
Сури макруҳ-дур шариъат аро.

## НАМОЗ ҮТАР ЕРНИНГ МАСОИЛИ

Эмди йернинг таҳоратин айтай,  
Шаръ элининг иборатин айтай,

<sup>24</sup> Ғадир — қўлмак. <sup>25</sup> Жанааб — ювиқсиз. <sup>26</sup> Буғул — ҳачир. <sup>27</sup> Машкук — шубҳали. <sup>28</sup> Сокини байт — уйда яшовчи. <sup>29</sup> Сибоъ — ҳайвон.

Пок йерда намоз қилғай-сен,  
Бўлмаса эҳтиroz<sup>30</sup> қилғай-сен.

Сажда йери икки аёқ йер-и пок,  
Бўлса ўзга ариғсиз ўлса не бок.

Йерга гар бир нажосате етти,  
Қуруди ул йер-у асари кетти.

Дема ул йерни-ки ариғсиз-дур,  
Ўта анда намоз-и жоиз-дур.

Лек мунда тайаммум<sup>31</sup> айламагил,  
Шарънинг йўлини кам айламагил.

Йагоч-у ўт-ки ерда-дур қойим,  
Хишт-ким ерда фарш эрур дойим,

Гар ушоқ тош-у тоғ тасаввур қил,  
Барі йер ҳукмид-дурур билғил.

Мисли мабраз<sup>32</sup> томи-йу майхона,  
Бўлса ҳар том бўлар каби ёна.

Анда макруҳ-дур намоз, билинг,  
Бекароҳийат<sup>33</sup> ўзга йерда қилинг.

Гар мусалло<sup>34</sup> эса, бисот санга,  
Анда мундоқ-дур эҳтиёт санга.

Ариғ эрмас ёнида қилма намоз,  
Бор намозингға ўзга йерда жавоз.<sup>35</sup>

Масжид одобини қилай таълим,  
Қилға-сен тенгри уйини таъзим.

Мунда мишқурма, мунда тукурма,  
Балчиқ ўлса оёқларинг сурма.

Бок<sup>36</sup> эмас бўлса масжидинг манқуш<sup>37</sup>  
Анда сарф айласанг тиллов-у кумуш,

Лек ўз молинг анда сарф этгили,  
Қиши моли савоб эмас-тур бил.

Мунда сарф этгунча бу-дур авло,<sup>38</sup>  
Баҳра олса бу молдин фуқаро.

<sup>30</sup> Эҳтиroz — тортиниш, сақланиш. <sup>31</sup> Тайаммум — таҳоратни қум ёки кесак билан ушатиш. <sup>32</sup> Мабраз — ҳожат ери. <sup>33</sup> Бекароҳийя — макруҳ бўлмаган. <sup>34</sup> Мусалло — жойнамоз. <sup>35</sup> Жавоз — рухсат. <sup>36</sup> Бок — хавф. қўрқинч. <sup>37</sup> Манқуш — нақшланган, зийнатланган. <sup>38</sup> Авло — яхшироқ.

Масжид-у томми ҳукми бир-дур бил,  
Томмийдин иқтидо<sup>39</sup> раво-дур бил.

## КИЙГУЛУК МАСОИЛИ

Түн-ки айтилди сатр-и аврат-дур,<sup>40</sup>  
Фарз-дур, билмаги зарурат-дур.

Доимий фарз-дур-ки қилдим арз,  
Лек ариглиги-дур намозда фарз.

Ёпмоғи эрга келса иликтиң,  
Тизгача фарз бўлди киндиқдин.

Киндиқдин бил эмас-туур докил,  
Тизни авратга лек докил бил.

Бил-ки хотунға ёпмоқ ўлди борин,  
Қадам-у<sup>41</sup> юз-у кафдин ўзгаларин.

Гар канизак-дуур шариъатда,  
Эр киби бўлди сатр-и авратда.

Лек билғил-ки орқаси-йу қорин,  
Ёпмоғи фарз бўлди ушбуларин.

Бу ёпинчи керак-дуур андоқ,  
Ким билинмаса остида қаро-оқ.

Гар мусаллоға аврат очилса,  
Рубъидин озроқ эрканин билса,

Ул мусалло намози-дур жойиз,  
Бу масойилни ёд тутғайсиз.

Мустаҳаб-дур ёпинчи ёпмоғлиқ,  
Тан била катфларини ёпмоғлиқ.

Бил-ки, дебо<sup>42</sup> била қизил нима,  
Эрга макруҳ-дур кийай дема.

Шаръни қил риъоят, эй ҳамдам,  
Қилма абришӯмин<sup>43</sup> мусалло ҳам.

Гар тўнунгға нажосате йетти,  
Шаръ билгил мунга не ҳукм этти,

Гар нажосат ғализ-дур анда,  
Билга-сен ҳукмини айтқанда.

Бўлса дирҳамча бил-ки маъфў дур,  
Хоҳ йудурма, хоҳ ани йудур.

Ҳар нажосат-ки, жирм<sup>45</sup> бор анда,  
Вазни дирҳам-дур эътибор анда.

Бу дирам вазнини дейин ёд ол,  
Қилдилар эътибор бир мисқол.

Йўқса яссилиғи мурод-дуур,  
Ханафийға бу эътиқод-дуур,

Бу дирам арзи-ким битиб-турлар,  
Арз-и каф эътибор этиб-турлар.

Гар нажосат хафиға-дур<sup>46</sup> анда,  
Тут қулоқ ҳукмин айтайин бандা.

Бўшмас ул рубъидин агар кам-дур,  
Масъала билмаганга кўп ғам-дур.

Ҳар киши-ким намозни қила-дур,  
Ҳар нима-ким аниг била буйла-дур.

Гар нажосат тегар не-дур ҳукми,  
Билга-сен тўн киби эрур ҳукми.

Лек тан бирла тўндағиларида  
Бўлмаса бир дирамча бу борида.

Теккан ўлса хафиға, эй ҳамдам,  
Васланинг рубъидин керак-тур кам

Бил тан бирла тўну жойнамоз,  
Нечук ўлур нажас эшитгил роз.

Гар ҳақиқий нажосате-ки тегар,  
Қолғай андин буларда ранг-у асар.

Иўқмаса ҳеч нима буларға не бок,  
Ул замон ушбуларни билгил пок.

Ул нажас нима текса нечук экин,  
Ҳукм анга шаръда не турлуг экин

Гар нажосатдин ўлса ул намлиқ,  
Бил ҳақиқий киби-йу йуғил ариқ

<sup>39</sup> Иқтидо — тақлид. <sup>40</sup> Сатри аврат — баданинг уятли ерлари ёпинчиғи. <sup>41</sup> Қадам — оёқнинг тўпукдан қўйи қисми. <sup>42</sup> Дебо — безаклик, жимжимадор инакли кийим. <sup>43</sup> Абришӯм — инак,

<sup>44</sup> Маъфў — авф қилинган, кечирилган. <sup>45</sup> Жирм — модда ҳажми, <sup>46</sup> Хафиға — енгил.

## НАЖАС НИМАНИ ЙУВМОГИНИНГ БАЕНИ

Йўқса керак сиройате<sup>47</sup> анда,  
Томса су ул ариғни сиқғанда.

Гар нажас бўлса қуруқ ул ариқ,  
Анда қуруқ керак сиройатлиқ

## НАЖОСАТНИНГ АВВАЛГИ ҚИСМИНИНГ БАЕНИ

Бил нажосат икки қисм-дурур,  
Бирисига ҳақиқий исм-дурур.

Бу ҳақиқий ҳам икки қисм эшит,  
Бир ғализа, бирин хафиға айит.

Қайси-дур бу ғализа дей бир-бир,  
Йириңг-у қон-дурур, яна чоғир.

Ул йириңг қонға ҳукм бу бўлғай,  
Ким алар ноқиз-и вузув<sup>48</sup> бўлғай.

Бўлса маъкул<sup>49</sup> гар бўғузланғон,  
Бил-ки тоҳир-дурур анга ич қон,

Пашша-ву бурга бирла бит қони,  
Неча кўп бўлса бил ариғ они.

Бил-ки ҳар навъ қурт ила ҳашарот,  
Оқмаса қони дей ариғ анга от.

Ғайр-и маъкул ғойит-у<sup>50</sup> булин<sup>51</sup>  
Бил ғализ, эшит бу эл қавлин.

Маёқ-у<sup>52</sup> тезак-у яна қумалоқ,  
Бўлса ҳар қайсидин эрур мундоқ.

Товуқ-у қоз-у батға<sup>53</sup> бу-дур ҳол,  
Бил бу учга ғализа-дур беҳол.

Ҳар нима-ким ҳалол бўлса эти,  
Бавлини шаръда хафиға битти.

Ҳар нимага сут-у тер-у сўлакай,  
Сури ҳукмида-дур санга айтай.

Ғайр-и маъкул<sup>54</sup> қуш сонги<sup>55</sup> не эмиш,  
Бил ани шаръ эли хафиға демиш.

Ейилур қуш сонгини бил бу шиқ,<sup>56</sup>  
Йамон идлиқ гар ўлмаса де ариқ.

Бил нажас нимани нечук йўйулур,  
Не йўсунлуқ йўйулса пок бўлур.

Бўлса маръий<sup>57</sup> ҳажосат анда нетар,  
Су била айбини кетурса йитар.<sup>58</sup>

Йо равон нима бўлса су янглиғ,  
Бил мутаҳҳар ани гар ўлса ариғ.

Ҳукме ўлса нажосат эшитгил,  
Ани қилмас изола<sup>59</sup> бу нима бил.

Мисли шамшир-у кўзгу бирла пичоқ,  
Аритур ушбуларни бил туфроқ.

Бўлса кафш-у ўтукда бу маръий,  
Туфроқ ани кетаргач-ўқ ариди.

Гар қўрунур нажосат ўлмаса бил,  
Бу йўсунлуқ-ки дер-мен ани йуғил:

Гар бадан-дур йуғай-сен уч навбат,  
Ул йумоқ-ким субуғ<sup>60</sup>-дур анга от.

Сиқилурни бу уч доғи уч сиқ,  
Сўнгғи сиқмоқни сиқфа-сен қаттиқ.

Сиқа олмас нима ўуморини бил,  
Бўлди уч турлуг айтай эшитгил.

Бири ул-дур-ки су нуфуз<sup>61</sup> этмас,  
Жисмининг аросиға су етмас.

Мисли чиний била мис олоти,  
Бор бу ҳукм ушбулар мисолоти.

Бил-ки тан ҳукмида-дурур булар,  
Тандек уч қатла қуйға-сен сулар.

Яна ҳар-ким нуфуз этар анга су,  
Ани бу навъ, эй мусаллий йу.

Мисли ҷармина<sup>62</sup>-ву яғоч-у сафол,  
Ҳар-не-ким сув нуфуз этар бу мисол.

Уч йувубон, уч қурут-ки пок бўлур,  
Масъала билмаган ҳалок бўлур.

<sup>47</sup> Сиройат — сингиши. <sup>48</sup> Вузу — таҳорат. <sup>49</sup> Маъкул — ейиладиган, эмиш. <sup>50</sup> Ғойит — нажас, ахлат. <sup>51</sup> Бул — сийдик. <sup>52</sup> Маяқ — түя қумалоғи. <sup>53</sup> Бат — ўрдак. <sup>54</sup> Ғайр-и маъкул — еб бўлмас. <sup>55</sup> Сенг — қуч тезаги. <sup>56</sup> Шиқ — иккидан бири.

<sup>57</sup> Маръий бўлмоқ — кўринмак. <sup>58</sup> Йитмак — йўқолмоқ. <sup>59</sup> Маръий — қаранг: <sup>60</sup> Изөҳ. <sup>61</sup> Субуғ — тўлиқ ювиш. <sup>62</sup> Нуфуз — таъсиркор.

Бу қуруғмоғни ким-ки ул сурғай,  
Ойат ул-дур-ки томмоғи турғай.

Яна мисли гилем бирла кийиз,  
Бор буларни сиқардин эл ожиз.

Аримаслар билинг-ки ҳар суда,  
Тун-кун боғланғиз өқар суда.

Ҳар тери ош йеса арир билгил,  
Хоҳ кий, хоҳ ани мусалло қил.

Магар икки шарафдин ул бириси,  
Бири одам, бири түнгуз териси.

Нажас-ул-айн-дур түнгуз билгил.  
Андин ул муҳтариз,<sup>63</sup> бу сўз билгил.

## БАДАН ТАҲОРАТИНИГ МАСОИИЛИ

Яна билгил бадан таҳоратини,  
Англагил шаръ эли иборотини,

Бу таҳорат-ки шаръ ишорати-дур,  
Бил најкосатнинг ул изолати-дур.

Икки йерингда бўлса ғоит-у бавл,  
Гар дирамдин кўп ўлса бу-дур қавл.<sup>64</sup>

Фарз билгил изолатини аниңг,  
Йуғил ани, эшит сўзумни мениңг.

Дохил эрмас-туур дарамда vale,  
Ғоит-у бавлнинг чиқар маҳали,

Вожиб ўлди дарамча бўлса йумоқ,  
Суннат ўлди агар эрур озрек.

Бавл,—у ғойитсиз этманг истинжо,<sup>65</sup>  
Бидъат ўлди бу янглиғ, эй доно.

## ИСТИНЖОНИНГ АВВАЛГИ НАВЪИНИНГ БАЁНИ

Бил иккি турлуғ ўлди истинжо,  
Бири будур эшитгил, эй барно!

Ўзни йурдин бурун арит, эй ёр,  
Пок нима бирла орит зинҳор.

<sup>63</sup> Муҳтариз — ўзни эҳтиёт қилувчи, сақланувчи. <sup>64</sup> Қавл — сўз. <sup>65</sup> Истинжо — авратни поклаш.

Бия-ки макруҳ-дур неча нима,  
Ул нима бирла пок этай дема.

Иегулук бўлмасун бу эмас ҳам,  
Хурд-и ҳайвон керакмас-у хас ҳам.

Мисли нон-у қамиш била шиша,  
Сўнгак-у терини (не) ки теша.

Пок қилмоққа ушбу ҳолатта,  
Тош керак, йо кулух<sup>66</sup> йо латта.

Иамон эрмас йағоче қуруқ бўлса.  
Не кичик бўлса, не улуқ бўлса.

Не илик туфроқ-у не тан туфроқ,  
Бўлмайин гард-у хок тўн уфроқ.

Зойил эт ҳар нечукки, кўнглунг арир,  
Ададин хоҳ уч де, хоҳий бир.

## ИСТИНЖО СУННАТЛАРИНИНГ БАЁНИ

Эмди суннатларини дей бир-бир,  
Манга зоҳир эканни дей зоҳир.

Уч нима бирла ўзни аритқил,  
Бирининг уч ёнини бу ҳукмida бил.

Агар ортуққа эҳтиёжинг бор,  
Ададин тоқ асрарил зинҳор.

Йурни-йу аритурни жамъ этгил,  
Шарънинг бу йўругини эшитгил.

Ҳам йув, ҳам пок айла сўл бирла,  
Қилма буларни рост қўл бирла.

Олатинг анда лек сўлда керак,  
Аритур нима рост қўлда керак.

Йусанг ўзунгни томға йо йерга,  
Сурт илгингни шаръ ишин терга.

## ИСТИНЖОНИНГ ИККИНЧИ НАВЪИНИНГ БАЁНИ

Бу-дур иккинчи навъ истинжо,  
Ким бурунроқ қилиб эдим иймо.

<sup>66</sup> Кудуқ — кесак.

Аввал олдингни йу, сўнгра кейин,  
Дейилур сўзни мундаларда дейин,  
Суст қўй мақъадингни<sup>67</sup> йувар чоғда,  
Кўйма бўш ўзни рўза бўлмоғда.  
Рўзадор ўзни иҳтиёт этсун,  
Йувб қўпарда ўзини аритсун.  
Бу йумоқда адад эмас маснун,<sup>68</sup>  
Кўнглунг ариса йумағил афзун.<sup>69</sup>  
Уч йуғунча бу су ғализ эмиш,  
Лек тўртунчи бўлса пок демиш.

### ИСТИБРО МАСОИИЛИ

Чу дедим икки навъ истинжо,  
Эмди айтали-ки не-дур истибро.  
Эрга, хотунға муни вожиб бил,  
Қилғулуқ иш-дурур, муни қилғил.  
Тубидин учиға соғ уч навбат,  
Йо йўтол уч-у секри уч каррат,  
Йо бу-дур-ким неча қадам йуру йўл,  
Йо бу-дур такийа қил босиб сўл қўл.  
Бил-ки хотунға бу-дур истибро,  
Сийсун-у латта қўйсун-у баржо.<sup>71</sup>  
Кўйсун-у аёғини аёққа,  
Чирмасун иҳтиёт қилмоққа.  
Латтани олсин-у йусун ўзини,  
Кўнглида асрасун бу эл сўзини.

### НАЖОСАТНИНГ ИККИНЧИ ҚИСМИНИНГ БАЕНИ

Бу ҳақиқий нажосат эрур-ким,  
Васфини ҳукмини борин дедим.  
Йана бир қисм-дур нажосатта,  
Ҳукми аниңг этилилар отта.

<sup>67</sup> Мақъад — кишининг ўтирадиган ери. <sup>68</sup> Маснун — одатга киргав, одат бўлган. <sup>69</sup> Афзун — ортиқ, кўп. <sup>70</sup> Истибро — артиниш. <sup>71</sup> Баржо — жойига.

Мунга доғи бил икки қисмат-дур,  
Бирисига муғаллаз<sup>72</sup> от-дур.

Мужиб-и<sup>73</sup> ғусл бўлди икки қисм,  
Ушбу қисм ичра бор яна неча исм.

Мужиб-и ғусл бир жанобат-дур,<sup>74</sup>  
Йана бир мужибиға ҳайз от-дур.

Йана бир мавжаб-и нафосий<sup>75</sup> бил,  
Барчасини қулоқ сол эшитгил.

### ҒУСЛНИНГ АВВАЛГИ МУЖИБИНИНГ БАЕНИ

Неча ишдин бўлур жанобат бил,  
Бот дейин барчасини сен бот бил.

Йеридин мунфасил бўлурда маний,  
Дафқ-и<sup>76</sup> шаҳват гар ўлса ул кишини.

Бил жунби<sup>77</sup> гарчи бе духул-дурур,<sup>78</sup>  
Мунда узринг қачон қабул-дурур.

Хатнагоҳига ғойиб ўлса боши,  
Эрга, хотунға бўлди ғусл иши.

Мунда инзол лозим эрмас-тур,  
Жанаб ўлмоқға ушбу иш басдур,

Үйқудин сўнгра бўлса ул зоҳир,  
Мазй<sup>79</sup> ёхуд маний<sup>80</sup> эса, суға кир.

Магар ул мазй-ким уйумоғда  
Боъисе бўлғай анга ул чоғда.

Эрга оқ-у қуийқ-дурур бу чирк,<sup>81</sup>  
Иси бор-дур биъайнҳ<sup>82</sup> гули зирк.

Бил-ки хотун манийси-дур бу шиқ,  
Суйуқ ўлди-йу лавн<sup>83</sup> ичра сариқ.

### ҒУСЛНИНГ ИККИНЧИ МУЖИБИНИНГ БАЕНИ

Мужиб-и ғусл бўлди ҳайз йана,  
Ушбу мавжабни сен иккинчи сана,

<sup>72</sup> Муғаллаз — ғализ бўлган. <sup>73</sup> Мужиб — вожиб қилувчи. <sup>74</sup> Жанобат — бўлғаниш. <sup>75</sup> Нафосий — туғишдан кейинги қон. <sup>76</sup> Дафқ — тўқилиш. <sup>77</sup> Жунб — яқинлашиш. <sup>78</sup> Духул — кириш. <sup>79</sup> Мазй — суюқлик. <sup>80</sup> Маний — шаҳват суви. <sup>81</sup> Чирк — маний назарда тутілмоқда. <sup>82</sup> Биъайнҳ — айлан. <sup>83</sup> Лавн — ранг.

## ТҮРТ СУННАТИ ҒУСЛИЙНИНГ БАЁНИ

Ҳайз хотунға қон-дуурүр-ки келур,  
Үч тун-у кун мунинг ақалли бўлур.  
Аксар бўлди ўн кечакундуз,  
Муни билмакта саъйлар кўргуз.  
  
Бўлса ўндин зиёд, учидин кам,  
Истиҳоза<sup>84</sup> бил они, эй ҳамдам.  
  
Ул-ки одатда кўрса қон ҳар ранг,  
Ҳайз-дур ани ўзга нима деманг.

## ҒУСЛНИНГ УЧИНЧИ МУЖИБИННИНГ БАЁНИ

Эмди айтай нифос-ким не бўлур,  
Тугса ўғлон бу қон-дуурүр-ки келур.  
  
Ҳадди йўқ-дур ақаллининг онинг,  
Аксари қирқ кун-дуурүр онинг.  
  
Бу уч иш ғусли бил-ки фарз-дуур,  
Қилмоғи әлга мисли қарз-дуур.

## ЖҮНУБ ҲАЙЗ ВА НАФСО ҚИЛМАС НИМАЛАРНИНГ БАЁНИ

Беш нима қилма бўлсанг ариқсиз,  
Ким жанаабқа бу иш эмас жойиз.  
  
Бир намоз-у тавоф-дур, яна бир,  
Бўлма тенгри каломига зокир.  
  
Яна бир бу-ки қилма мусҳаф масс,<sup>85</sup>  
Масжид ичра турарни қилма ҳавас.  
  
Яна билгил-ки ҳойиз-у нафсо,  
Йетти ишдур-ки қилмасун асло.

Ушбу бешдур, жимоъ-у<sup>86</sup> рўза йана,  
Йетти иш бўлди барчасини сана.  
  
Йўқ қазоси намозининг билсун,  
Рўзасини vale қазо қилсун.  
  
Бил-ки хотун чу мустаҳоза эса,  
Хукм-и ҳайз ўлди ҳайз чоги деса.  
  
Ҳайз чоги агар эмас билсун,  
Журҳ-и сойил киби амал қилсун.

Бил-ки бу тўрт ғусл суннат-дур,  
Ўзга ғусл ўлса мустаҳаб от-тур.

Жумъа-ву икки ъийд ила эҳром,  
Арафа ғусли бўлди тўрт тамом.  
Бил тирикларга ғусллар мундоқ,  
Лек вожиб-дуурүр ўлукни йумоқ.

## ҒУСЛНИНГ ФАРОЙИЗИНИНГ БАЁНИ

Бил-ки уч нима бўлди ғуслда фарз,  
Қилайн барчасини бир-бир арз.  
  
Бири оғизга суни солмоқ-дур,  
Йана суни бурунға олмоқ-дур.  
  
Бурун, оғизга онча су сургил,  
Қангриғ-у, халқага су еткургил.

Бу-дур учунчи фарз бил муни,  
Жумла-йи танға қил равон суни,  
  
Бу йумоқларда сен муболаға қил,  
Қолса бир тук қуруқ ариқсиз бил.

## ҒУСЛНИНГ СУННАТЛАРИНИНГ БАЁНИ

Ғуслда бил-ки беш-дуурүр суннат,  
Санга айтай борини сен тўхтат.  
  
Баданғача икки илигни йуғил,  
Танда бўлса нажост эт зойил.  
  
Қил вузу ила ғусл учун нийят,  
Бори аъзога су қуй уч навбат.

Ушбу янглиғ де ғусл-у ҳайз-у нифос,  
Ушмунга қилға-сен аларни қийос.

Лек хотун-ки бошқа сув сочқай;  
Лозим эрмас-ки сочини ~~БУКАН~~.

Гар қуруқ қолса туби пок эрмас,  
Үргани қуруқ ўлса бок ~~БУКАН~~.

<sup>84</sup> Истиҳоза — ҳайз ҳукмидаги ҳолат. <sup>85</sup> Қилма мусҳаф масс — Курғонни ушлама! <sup>86</sup> Жимоъ — жинсий алоқа.

Чирк агар бўлса тирногинг ораси,  
Гуслда кетмаса аниг қораси.

Бўлса бу чирк мисли йоғ-у хамир,  
Ушбулардин сув қилмаса таъсир,

Вожиб ўлди буларни дур этмак,<sup>87</sup>  
Ушбулар йерларига су ётмак.

Ўзининг чирки бўлса бок эрмас,  
Гуслунга бил-ки ул зийон эрмас.

Гуслнинг чеграсини билгил пок,  
Сайаланға<sup>88</sup> етишмаса не бок.

Бил жанағ ғусл қилмасун филҳол,  
Қилмасун албатта бир замон иҳмол,<sup>89</sup>

Сийсун ул, ю неча қадам йурусун,  
Йо даме такия қилсун, уйусун.

Дафъ бўлғай орада бўлса маний,  
Дофиъи ушбу нечча бўлди, тани!

Гар қуруқ қолса санга андак йер,  
Тут қулоқ шаръ аҳли мунда не дер?

Гар тегурсанг суни анга бас-дур,  
Йана ғусл ихтиёр эрмас-дур.

Мустаҳаб-дур илигини ѹеткурмак,  
Жумла-йи аъзоза ѹеткуруб сурмак.

Ким-ки ҳаммомда суға кирса,  
Лунги аниг ариғ эмас эрса,

Танни сурмакта ани ҳам сурсун,  
Ариғач тан они ариғ кўрсун.

## ВУЗУ НАВОҚИЗИННИНГ БАЁНИ

Бил-ки ҳукмини деб эрдим ики қисм,  
Бирисиға муғаллаз эди исм.

Йана ғайр-и муғаллаз-дур бил,  
Ҳадас<sup>91</sup> они дедилар эшигил.

Бил-ки бу ноқиз-и вузу бўлди,  
Қил вузу чун-ки санга бу бўлди.

Ики йердин не-ким бўлур зоҳир,  
Қил таҳорат-ки бўлға-сен тоҳир.

Магар ул бил-ки илгаридин-дур,  
Ноқиз эрмас-туур бу сўз чин-дур.

Йириңг-у қон, йана сариф сү,  
Чиқсалар йерларидин айла вузу.

Йана бири оғиз тўла қай\* бил,  
Йана бир мастиғ-дур эшигил.

Балки ҳар навъ зойил<sup>92</sup> ўлғач хуш,  
Бўлди нуқсон вузуга, тутғил гўш.<sup>93</sup>

Бўшамағай бўлса гар тўла ҳам.  
Лек агар бўлса қусқанинг балғам,

Гар қай-у тукрукунгда кўрсанг қон,  
Ранг-и ғолиб вузу топар нуқсон.

Уйқу-дур йана такия чун қилсанг,  
Эйла-ким такия олса, йиқилсанг,

Йана бу-ким намозда кулса,  
Ул кулуш қаҳқаҳа била бўлса.

Йана хотун йерига эр закари,  
Тегса бўлди, вузулари синари.

Нечча-ким ўқ дуҳул ила инзол,  
Бўлди ноқиз вузуга, бу йод ол!

Йана бир вақтнинг-дуурур чиқиши,  
Соҳиб-и узрга таҳорат иши.

Соҳиби-узр қайси-дур билгил,  
Ушбу иш бор-дур асрү кўп мушкил.

Йириңг-у қон била сариқ сув, бавл,  
Сайалан бўлса анда бу-дур қавл.

Қилса бир вақтни бу шуғл тамом,  
Соҳиб-и узр де бу кишига ном.

Шуғл бир вақт лозим эрмас-тур,  
Ўзгада бир кўрунса ҳам бас-дур.

<sup>87</sup> Дур этмак — кеткизмак. <sup>88</sup> Сайалан — оқиши. <sup>89</sup> Иҳмол — ўз ҳоли-ча қолдирмоқ. <sup>90</sup> Навоқиз, бирл. ноқиз — таҳоратни бузучи нарсалар.

<sup>91</sup> Ҳадас — вузусиз (таҳорати бузулган).

<sup>92</sup> Зойил бўлмоқ — ўқолмоқ. <sup>93</sup> Гўш — қулоқ.

\* Қай — қусуқ, балғам.

Лек бир вақт-ким тамом этгай,  
 Соҳиб-и узр бўлмоғи қетгай.  
 Соҳиб-и узр эшитки бу сойил,  
 Ноқиз эрмас таҳоратингга бил.  
 Ҳар намозинг учун таҳорат қил,  
 Вақт боринча ҳар намоз ўтагил.  
 Ҳар қачон вақт-ким чиқар ул он,  
 Топқусидур таҳоратинг нуқсон.  
 Журҳ-и сойил бу-дур-ки шаръ деди,  
 Бурнароқ мунда дейилиб эди.  
 Бўлди йиллар-ки бедаво-дурмен,  
 Бу бало бирла мубтало-дурмен.  
 Ҳар қачон-ким таҳорат айлармен,  
 Йилгари нам кўрар-мен аксар-мен.  
 Лек бир вақт не бу шуғл итмас,  
 Муддате-дур-ки мендин ул кетмас.  
 Шуғл бир вақт қилса муддатта,  
 Йана бир вақт йўқ-тур албатта.  
 Йоз аксар таҳоратим синмас,  
 Қиши синардин таҳоратим тинмас.  
 Ҳеч билман-ки не даво қилайнин,  
 Кимга бу мушкилим адо қилайнин.  
 Гайбдин бир шифо худо бергай,  
 Дардима тенгри-ўқ даво бергай.

## ВУЗУ ФАРОИЗИНИНГ БАЁНИ

Қимга-ким бўлса бу ҳадаси ҳодис,  
 Ул вузу айласин-ки, бор муҳдас.  
 Билга-сен тўрт бўлди фарз-и вузу,  
 Мултаҳийға<sup>94</sup> ва лек беш-дур бу.  
 Йуз йумоқ-дур бири булардин бил,  
 Тирсагинг бирла элларингни ўғил.  
 Бошқа масҳ айла-ву аёғнинг йу,  
 Ошуғунг бирла бўлди фарз вузу.

<sup>94</sup> Мултаҳий — соколли.

Соқол остида зоҳир ўлмаса йуз,  
 Фарз бил масҳини эшит бу сўз.

Сақол остида зоҳир ўлса йузи,  
 Су тегурсун бу бўлди шаръ сўзи.

Ҳар-не кўрунса ул мувожаҳада,<sup>94</sup>  
 Ани йуз бил дедим мушофаҳада.

Тук чиқар йердин ул энгак тубича,  
 Бил энгак яъни ул сўнгак тубича.

Туби дохил эмас-турур йузга,  
 Ўтрудин чун кўрунмас ул кўзга.

Нармлар-ким<sup>96</sup> икки қулоқда-дурур,  
 Иккисини ораси бил йуз эрур.

Нарма бил-ким исирға йери-дурур,  
 Йузунг андин эшит-ки бери-дурур.

Мунга жойуз-дур-у бу дохил эмас,  
 Важҳ<sup>97</sup> ҳаддини бил-ки мушкил эмас.

Чунки бошингга масҳ эткай-сен,  
 Рубъича фарз-дур эшиткай-сен.

Йиүулур узвда субуг<sup>99</sup> керак.  
 Йумоғи фарз бўлди бир навбат.

Амал-и шаръ аро фуруғ керак,  
 Йиүулур узвда субуг<sup>99</sup> керак.

Узвлардин сув ул қадар томса,  
 Кам оқиб борса, қатралар томса,

Муни деб-тур субуг шаръ аҳли,  
 Мунга нотик-дурур бу хайл тили.

## ВУЗУ СУННАТЛАРИНИНГ БАЁНИ

Бил-ки, бор-дур вузуда суннатлар,  
 Тут қулоқ барчага дейин отлар.

Суннат ўлди ўн икки, бўл огоҳ,  
 Барчадин бурна би-сми-л-лоҳ.

<sup>95</sup> Мувожаҳа — юзма-юз учрашув. <sup>96</sup> Нарма — қулоқ юмшоғи.  
<sup>97</sup> Важҳ — юз. <sup>98</sup> Узв — аъзо. <sup>99</sup> Субуг — вузуни тўла бажариш.

Ики илгингни бандигача йуғил,  
Су ол оғзингға, даги мазмаза<sup>100</sup> қил.

Су ол оғзингға, даги қил мисвок,  
Ул йағоч бирла-ким дедилар арок.

Чўб-и мисвоки бўлмаған билсун,  
Бармоғи бирла амал қилсун.

Иана мундин кейин қил истиншоқ,<sup>101</sup>  
Нийят эт, шаръ аҳли сўзига бок.

Соқол-у илиг, ойоқ эт тахлил,<sup>102</sup>  
Жумла-йи бошқа масҳ суннат бил.

Масҳ ики қулогингға тортиб,  
Айлагай-сен риъоят-и тартиб.

Йуйулур узвни йув уч қатла,  
Йуйулурға тегур сув уч қатла.

Далк<sup>103</sup> қилғил-ки, далк суннат-дур,  
Сур илигни-ки, анга бу отдуру.

Эмди қайфийатини айлай арз,  
Нийят ўлса керак муқорин-и<sup>104</sup> фарз.

Су олиб оғзингға муболаға қил,  
Ғарғара бўлди бу муболаға, бил.

Йуқори торт бурунға су олиб,  
Ҳар амалға шуруъ айла билиб.

Ҳалқдин<sup>105</sup> қил сақолингға тахлил,  
Илигинг орқасини йўқори қил.

Иана тахлил қил айғингдин,  
Бошлиғил бурна, синчалоғингдин.

Хинсиригни<sup>106</sup> солиб аролариға,  
Суни ёткургил ушбулар бориға.

Сўл айоқ хинсирида айла тамом,  
Ушбу суннатлар эрди, дедим ном.

## ВУЗУ МУСТАҲАБЛАРИНИНГ БАЁНИ

Айтайн эмди мустаҳабларини,  
Иод тутғил санга дейин борини.

<sup>100</sup> Мазмаза — оғизни чайиш. <sup>101</sup> Истиншоқ — бурунға сув тортниш.  
<sup>102</sup> Тахлит — орасини тозалаш. <sup>103</sup> Далк — ишқалаш. <sup>104</sup> Муқорин — иҳни. <sup>105</sup> Ҳалқ — бўғиз. <sup>106</sup> Хинсири — синчалоқ.

Масҳ-и гарданни мустаҳаб билгил,  
Ибтидо йурда ўнг йонингдин қил.

Бурун-у кирпиг-у қошинг йерига,  
Мустаҳаб-тур тегур суй-и ҳар бирига.

Қил вузу ишларини пайдарпай,  
Ўзвларини йуғил су қурумай.

Айтқай-сен ташаҳҳуд-у<sup>107</sup> салавот,  
Ўқуғай-сен ўқуғулук даъвот.

## ВУЗУНИНГ ИБТИДОСИДА ҮҚУЛМОҚ ҚЕРАК-ДУР

Би-сми-л-лаҳи-р-раҳмони-р-раҳим. Би-сми-л-лоҳи-л-ъа-лии-  
ли-л-ъазим ва-л-ҳамду-ли-л-лоҳи ъала дини-л-исломи Олло-  
ҳумма саббитни ала диника-л-исломи ва ъала суннати набий-  
йика алайҳи-с-салавот ва-с-салом.

Уч йуйулур узвларда. Ул йумоқда ташаҳҳуд, ўртанчисида  
салавот. Учинчисида мазкур бўлур даъвотни ўқуғомоқ қерак.  
Оғиз йурда ўқуғулук:

Раббий аъяннин ъала зикрика ва шукрика ва ҳусни ибо-  
датика ва қийомитоъатика ва тиловат каломка-л-карим.

Бурунға сув олурда ўқуғулук:

Оллоҳумма райиҳҳин мин ройиҳати-л-жаннати ва арзиқ-  
ний наъииман ва аъзу бика мин духони жаҳаннам.

Йўз йуварда ўқуғулук:

Оллоҳумма байиз важҳий би нури маърифатика йавма  
табиа兹зу важкуҳу авлийоика ва ла тусаввид важҳий йавма ту-  
саввадду вужкуҳу аъдоика.

Ўнг қўл йуварда ўқуғулук:

Оллоҳумма аътини китобий бийаминий ва ҳосибни ҳисобан  
ласиран.

Сўл қўл йуварда ўқуғулук:

Оллоҳумма ло туътини китобий бишимолий ва ло мин  
варои заҳрий ва ло йуҳосибний ҳисобан шадидан.

Бош масҳида ўқуғулук:

Оллоҳумма ғашшиний раъсий би раҳматика ва азиз  
балайя мин баракатика.

Қулоқ масҳида ўқуғулук:

Оллоҳумма ижъалний мина-л-лазина йастамиъуна-л-қав-  
ма ва йаттабиъуна мо аҳсанаху.

Буйун масҳида ўқуғулук:

Оллоҳумма аътиқ рақабатий мина-н-нори ва најжийний  
мина-с-салосили ва-л-аълол.

<sup>107</sup> Ташаҳҳуд айтиш — Калима-и шаҳодатни айтиш.

Үнг оёқ йуварда ўқуғулук:

Оллоҳума саббит қадамий аъла-с-сироти-л-мустақими

Йавма тазуллу фиҳи-л-ақдом.

Сўл оёқ йурда ўқуғулук:

Оллоҳумма ижъал саъийи машкуран вазанбий мағфураш

би раҳматика йоарҳама-р-роҳимин

Вузудин сўнг ўқуғулук:

Оллоҳума ижъалний мина-т-таввобина ва ижъалний ми-  
на-л-мутаҳ-хиринга ва ижъалний мин варасати жаннати-н-наъ-  
ими ва ижъалний мина-б-лазина ло хавфа ъалайҳим ва ло  
хам майаҳзунуна

## ВУЗУ МАКРУҲЛАРИНИНГ БАЁНИ

Эмди макруҳларни дейин эшиш,  
Суни йузунга қаттиқ урма йигит,

Бе зарур олатингга қилма назар,  
Боқмоғинг гар зарур эса безарар.

Сўл илиг бирла олмағил суни,  
Бурун, оғзингга йод тут муни,

Рост бирла бурунни мишқирма,  
Сўз айтма вузуда, қичқирма.

## ҮТУҚ МАСҲИ МАСОИИЛИ

Гар кийиб-сен ўтук таҳоратлиқ,  
Гар вузу синса масҳ қил бу шиқ.

Торт ул бармоғингни йуқорига,  
Аёғинг учидин ошуқ сорига.

Уч элиг барча масҳ бас-тур бил,  
Хоҳ узун, хоҳ кўндалан қилғил.

Тўрт элиг бирла масҳ қилсанг лек,  
Ошуғунгача бор-дур авлодек.

Масҳ-ким ўтуғунгга сен қила-сен,  
Қилма бармоқларинг учи била сен.

Лозим эрмас-ки бу ўтук бўлғай,  
Ўзганинг ҳукми дей нечук бўлғай.

Арабий бўлса сенда хоҳ чоруқ,  
Ошуғунгача керак анда йопуқ.

Лек журабқа<sup>108</sup> масҳ сен қилма,  
Латтадек нимага раво билма.

Бўлса жураб мұнағалу<sup>109</sup> тандор,  
Анга ул вақт масҳ қилмоқ бор.

Масҳ этар нима бўлса гар йиртуқ,  
Бўлса уч бармоғинг йерича очуқ,

Масҳ ул нимага эмас жойиз,  
Анга сен масҳ қилмағил ҳаргиз.

Муддате бор мұқимға тун-у кун,  
Бор мусоғирға лек уч кун-у тун.

Ибтидоси вузу синардин-дур,  
Фуқаҳодин<sup>110</sup> бу навъ талқин-дур.

Мунқазий<sup>111</sup> бўлса масҳинга муддат,  
Ио чиқарсанг ўтукни ул фурсат.

Гар вузу, бор-дурур оёқ йу, бас,  
Қилма бошдин, вузуга ҳожат эмас,

Чиқаруп қасд бирла гар тобонинг,  
Кўпи соқингга<sup>112</sup> келса бил-ки сенинг.

Масҳинг ул вақт бўлғуси ботил,<sup>113</sup>  
Торт ўтукни-йу ойогни йуғил,

Йўл йурур вақт йеридин ковок,  
Тобонинг бўлса масҳинга йўқ бок.

Бир ойоқ чиқса масҳ мубаттали-дур,<sup>114</sup>  
Ушбулар шаръ аҳлининг тили-дур.

Масҳдин сўнг ойоқни қилса су ул,  
Ошуғунгача гар йетишса бу ўл.

Масҳ ботил бўлур чу бор мундоқ,  
Бўлмади жамъ масҳ бирла йумоқ.

Гар ўтуқлук мұқим қилса сафар,  
Уч тун-кунгача бу масҳ анга бор.

Гар ўтуқлук мусоғир ўлса мұқим,  
Тун-у кун масҳ қил анга таълим.

<sup>108</sup> Жураб — пайпоқ. <sup>109</sup> Мунъял — кафшлик. <sup>110</sup> Фуқаюо, бирл, фаш  
қөнҳ олимлар. <sup>111</sup> Мунқазий — муддати ўтган, тугаган. <sup>112</sup> Сөқ — болдири.  
<sup>113</sup> Ботил — бекор. <sup>114</sup> Мубаттал — бекор қилювчи.

## ТАЙАММУМ БАЕНИ

Вақт ўлур-ким шараф топар туфроғ,  
Суға ул вақт ўлур халаф<sup>115</sup> туфроғ.

Су йироқ ўлса сендин ар бир мийл,  
Сен намозинг учун тайаммум<sup>116</sup> қил.

Тўрт минг-дур қадам била бир мийл,  
Бир қуруҳ ани ҳинд эли дер, бил.

Дедилар бир йарим қари<sup>117</sup> бу қадам,  
Ҳар қари бил-ки бор-дур олти тутам.

Бир тутам тўрт элиг, яна бир элиг,  
Олти чу арзи бўлди бил бу билик.

Йо бир умматқа захмате етса,  
Су зиён этмагини хавф этса.

Йо айтик бирла сендин аримаса,  
Су таҳорат қилурға тортмаса.

Йо баҳоси бу сунинг ўлса оғир,  
Қил тайаммум чу бўлса бу ҳар бир.

Бу ики шарт бор биёбонда,  
Суға танқислик эса анда,

Ҳар не-ким бўлса арз<sup>118</sup> жинсидин,  
Гач-у туфроқ-у қум-у сурма бикин.

Ушбулар бирла сен тайаммум қил,  
Бўлди жойиз булар била билғил.

Гард бирла дағи мужавваздур,<sup>119</sup>  
Қил тайаммум-ки мунда сўз оз-дур.

Гарднинг йери пок бўлса керак,  
Қолмағай то бу ишта шубҳа-ву шак.

## ТАЙАММУМ НАВОҚИЗИННИНГ БАЕНИ

Бил тайаммумга тўрт фарз-дурур,  
Билмак аларни мисли қарз-дурур.

Бириси қасд-и хок-и пок эткил,  
Йана ниййатни бу йўсунлиқ қил.

<sup>115</sup> Халаф — ўринбосар. <sup>116</sup> Тайаммум — таҳоратни туфроқ билан ушаттиш. <sup>117</sup> Қари — ўлчовноми. <sup>118</sup> Арз — ер, ер юзи. <sup>119</sup> Мужавваз — ижозат қилинган, жойиз бўлган.

Ниййат эттим тайаммум этмак учун,  
То номозим манга мубоҳ<sup>120</sup> ўлсун.

Йана ики илигни туфроққа,  
Ур тайаммум ишини қилмоққа,

Суртгил йузунгға илигларни,  
Йод тутғил тайаммум айларни.

Бил-ки туфроғни онча сурмаклик,  
Тук тубига ани тегурмаклик.

Лозим эрмас-турур тайаммумда,  
Асаре бас-дурур тайаммумда.

Йана туфроққа қўл тегурмак ила,  
Сурт қўлларға, икки тирсак ила,

Сен тайаммумда ушбу масъала бил,  
Айла бармоғларинг аро тахлил.

Анда-ким йофт<sup>121</sup> бўлмаған сув-дур,  
Ғусл вожиб эса, ҳам иш бу-дур.

Бу шаройит била тайаммум қил,  
Бўлса ҳар вақт ҳар намоз ўтагил.

Мутайаммим<sup>122</sup> бу неча ишни қилур,  
Узрсиз сув борида ким-ки билур.

Бир-бир айтай эшиткил, эй ҳамдам,  
Масси қуръон-у<sup>123</sup> дуҳул-и<sup>124</sup> масжид ҳам,

Хавф-и фавт<sup>125</sup> ўлса, бўлса ҳам су падид,<sup>1</sup>  
Ўта ўлук намози-йи йана ѡйид.

## НАМОЗ ВАҚТЛАРИНИНГ БАЕНИ

Ҳар не-ким ноқиз-и вузу эрур ул,  
Бил тайаммумга ҳам зиён берур ул.

Йана кофий<sup>126</sup> суға агар қудрат,  
Топса синғай тайаммум ул фурсат.

<sup>120</sup> Мубоҳ — рухсатли, жойиз. <sup>121</sup> Йофт — бор бўлиш, мавжуд. <sup>122</sup> Мутайаммим — тайаммум қилувчи, қаранг: <sup>116</sup> изоҳ. <sup>123</sup> Масси қуръон — қуръонни қўлга олиш. <sup>124</sup> Дуҳул — кириш. <sup>125</sup> Фавт — ўлим. <sup>126</sup> Падид — бўлмоқ — кўринмоқ. <sup>127</sup> Ноқиз, кўпъл. нағоқиз — бузувчи, таҳоратни бекор қилувчи. <sup>128</sup> Кофий — етарли, кифоя қилувчи.

Фарз билгил намознинг вақтин,  
Вақтсиз иш на суд қилмақдин?

Беш-дурур вақти бир тун-у кунда,  
Шубҳа-ву қийл йўқ-турур мунда.

Олти ташқи фаризага дохил  
Вақт тўртунчи фарз-дур билғил.

Барчадин бурна тонг намозин ўта,  
Бор-дурур вақт-и, субҳ-и козиб ўта!\*

Бу узун, иничка, ёруқ-дур-ким,  
Бил уфуқ сатҳига муни қойим.

Жойиз ўлди бу субҳ бўлса суҳур,<sup>129</sup>  
Мунда хуфтан намози қиласа бўлур.

Йана мунинг сўнгида шарқ сори,  
Кўрунур бир ясси йоруқ асаре,

Бу уфуқнинг узунига тортар,  
Борғонича йоруғлуғи ортар.

Аҳл-и динлар-ки муқтадо<sup>130</sup> эдилар,  
Субҳ-и содиқ бу субҳни дедилар.

Билга-сен тонг намозининг вақтин,  
Ушбу субҳ ибтидоси бўлмақдин.

Кун чиқар чог-дур интиҳоси<sup>131</sup> аниңг,  
Бу ирома бўлур адоси аниңг.

Йана вақт-и намоз-и пешин-дур,  
Анга билгил бу навъ талқин-дур.

Аввали куннинг эврулуридин,<sup>132</sup>  
Сойаларнинг фузун<sup>133</sup> бўлуридин,

Ики қад бўлғуча бу кўлакалар,  
Бил-ки пешин ўтар кишилар ўтар.

Лек туш соясин булар била кўр,  
Бўлғуча ушбуларға сен қила кўр.

Ўтса пешин, намози дигар-дур,  
Сен соғинма-ки восита<sup>134</sup> бор-дур.

\* Қўллэзмада матн тушиб қолган. Матнини Шариқшунослик институтида сақланадиган 8433 рақамли қўллэзма асосида тикланди.<sup>129</sup> Суҳур — саҳарлик. <sup>130</sup> Муқтадо — раҳбар. <sup>131</sup> Интиҳо — ниҳоя, тугаш. <sup>132</sup> Қўллэзмада текст йўқ! 8433 рақамли қўллэзма нусха асосида тикланди. <sup>133</sup> Фузун — ортиб борувчи. <sup>134</sup> Восита — ўрта.

Дедилар аср вақтини мунча,  
Ўтагил офтоб ботқунча.

Ботқач-ўқ, кун намоз-и шом бўлур,  
Демагил вақти бот тамом бўлур.

То шафақ бор бу вақт бор-дур бил,  
Бор шафақ кун ботар тарафда қизил.

Чун шафақ ғолиб ўлса хуфтан-дур,  
Субҳ-и содиқча вақти бўлған-дур.

Ўтагил витр,<sup>135</sup> сўнгра хуфтандин,  
Витр адоси кейин бўлур андин.

## МУСТАҲАБ ВАҚТЛАР БАЁНИ

Эмди дей вақтларда истеҳбоб,<sup>136</sup>  
Ўтанг ул чоғ намоз, эй аҳбоб.

Кун чиқар йер керак сориғ бўлса,  
Фажр<sup>137</sup> қил вақт агар бўш бўлса.

Йоз пешинда айлагил таъхир,  
То ҳаво топқай андаги тафийир.

Аввал вақтта ўтагин қишлиар,  
Йахшироқ гар қилай десанг ишлар.

Аср таъхири қилға-сен андоқ,  
Кун сарифидин ўта бурунроқ.

Лек мағрибда қилғасен таъжил,  
Қилма таъхир ани сен бот қил.

Онча таъхир айла хуфтанда,  
Бўлғай аввалқи сулс<sup>138</sup> қилғанда.

Витр охирқи сулс авло-дур,  
Гар санга эътимод пайдо-дур.

## НАМОЗДА ВАҚТЛАР БИЛА МАКРУХ ВАҚТЛАРНИНГ БАЁНИ

Қилмағай-сен намоз уч фурсат,,  
Бефариза, бенафл, бе суннат.

Не жаноза раво-дур-у не қазо,  
Не тиловат қилурда сажда раво.

<sup>135</sup> Витр — намознинг номи. Тунги намоз. <sup>136</sup> Истеҳбоб — мустаҳаб бўлиш. <sup>137</sup> Фажр — тонг отиш вақти. <sup>138</sup> Сулс — учдан бири.

Кун туғар чоғ-у кун ботар чоғ-дур,  
Йана бир вақт кун туш ўлмоғ-дур.

Лек ул асрни-ки сен қила-сен,  
Офтоб ўлтурурини биласен.

Ракъате қилдинг ар қүёш борида,  
Ўзгасин қил-ки шубҳа йўқ борида.

Бил бу уч вақттин эрур бу чоғ,  
Ким бу мазкур аср ўлур қилмоқ.

Бу дағи бор кароҳийат бирла,  
Ушбу зикр айлаган сиффат бирла.

Қилмағил нафлни<sup>130</sup> икки соъат,  
Бўлди мамнуш анда бу тоъат.

Аср вақти-йу вақт-и фажр-дурур,  
Қилма бе музд-дур,<sup>140</sup> не ажр-дурур,

Лек бўлса жаноза бирла қазо,  
Қил-ки бу вақтларда бўлди раво.

## ҚИБЛА МАСОИИЛИ

Бўлди бир фарз қиблаға боқмоқ,  
Шартдур, шаръ сўзи-дур мундоқ.

Сокин-и Макка ушбу сўз билсун,  
Йузини Каъба айниға қилсун!

Ироқ ўлған киши эшит-ки нетар,  
Жиҳатига йузини қилса йетар.

Жиҳате гар санга эмас маълум,  
Кишидин сўр-ки бўлғай ул мағҳум,

Лек йерлик керак-турур бу киши,  
Ул замон бўлмағай таҳаррий<sup>141</sup> иши.

Йерлик эл бўлмаса таҳаррий қил,  
Бир жиҳатқа гумон қилиб ўтагил.

Бу йусунлуқ намоз-ким қилдинг,  
Қибла сари имосини сўнг билдинг.

Йана қилма-ки бу ишинг-дур хўб,  
Бу намозинг санинг эрур маҳсуб.<sup>142</sup>

Гар намоз ичра зоҳир ўлди жиҳҳат,  
Йузни қил ул сариға бу фурсат.

Хавф вақтида билғил, эй доно,  
Маркаб устида бор намозраво.

Нафл-и беузр ҳам раво-дур бил,  
Маркаб устида хуш адo қилғил.

Лек таҳrima вақти, эй доно,  
Қиблаға йузни қил-ки бор авло.

Кема ичра намоз жойиз бил,  
Ўлтуруб, йо қўпуб адo қилғил.

Кема эврулса сен нари эврул.  
Ҳар сори қиблае, ул сори эврул.

Лек бир йўли қилма ҳаракат,  
Бошқа-бошқа оёқларинг тебрат.

## НАМОЗ НИЙИАТИНИНГ МАСОИИЛИ

Бил-ки олтинчи фарз нийят-дур,  
Ким намоз ичра шарт сиҳҳат-дур.

Нийят этмак кўнгуядда фарз дегил,  
Тил била демакини суннат бил.

Бил-ки таҳrima бирла нийят аро,  
Фосила бўлмасун қилурда адo.

Бу замон тенгри бирла ҳозир бўл,  
Забт қил ўзни жамъ-и хотир бўл.

Ло ақал бил муни салот бу-турур,  
Бу намозингфа бил не от-турур,

Гар бу деганча бўлмасанг ҳозир,  
Нораво-дур санга дедим зоҳир.

Лек кўнглунгда тонг намози эса,  
Иангилиб тилинг они шом деса.

Ул кўнгулдаги мўътабар-дур бил,  
Эътиборинг кўнгулда бор-дур бил.

Нийят айларни мен қилай санга арз,  
Нафлни нафл де-йу фарзни фарз.

Вожиб ўлса де анга вожиб от,  
Суннат ўлса айтқа-сен суннат.

<sup>139</sup> Нафл — вожиб бўлмаган ибодат. <sup>140</sup> Бе музд — тўловсиз, бехуда.

<sup>141</sup> Таҳаррий — мўлжал қилиш. <sup>142</sup> Маҳсуб — ҳисобга ўтган.

Ким-ки ул шаръ сўзига боқти,  
Вақти ўлса этсун ин<sup>143</sup> вақте.

Лек бу лафз жумъада демагил,  
Гар айтсанг дуруст эмас-тур бил.

Шарт эмас нийятти имомат бил,  
Лек авло бу-дур-ки нийят қил.

Шарт-тур нийят иқтидода билинг,  
Ҳар амални билиб йерида қилинг.

## НАМОЗ ДОХИЛИ ОЛТИ ФАРЗНИНГ БАЕНИ

Эмди дей олти фарз-и дохилийни,  
Бу масойилда тебратай тилни.

Боридин бурна бор-дурур такбир,  
Муни таҳрима дер сағир-у кабир.<sup>144</sup>

Дегил Оллоҳу акбар ул онда,  
Йо бу маънида де нима анда.

Қилма мад бовуро аросинда,  
Ани жазм айлагил адосинда.

Муни таҳрима дей нега дерлар,  
Ҳар мубоҳийни бу ҳаром айлар.

Йемак-у демак-у йана ичмак,  
Борисини ҳаром этар бешак.

Нийят эткил доги илигни кўтар,  
Бурна илгинг кўтарма, эй сарвар.

## ҚИЁМ МАСОЙИЛИ

Бил-ки, икинчи фарз бўлди қиём,  
Узрсиз, бе қиём қилма тамом.

Бил қиём озроғини, эй доно,  
Бўлса таҳрима турғанингда адо.

Кудрати йўқ киши муни билсун,  
Ўлтуруб бўлмаса, ўтиб қилсун.

Гар намозинг фариза-дур, эй ёр,  
Фарз билгил қиёмини зинҳор.

Нафл-у суннатда ихтийоринг бор,  
Қўпар-у, ўлтурурда сен муҳтор.

Иахшироқ ул-дурур киши турса,  
Ниммузд ўлди ул-ким ўлтурса.

Лек тонг суннатида ўлтурма,  
Мунда ўлтурмоғинг раво кўрма.

## ҚИРОАТ МАСОЙИЛИ

Йана бир фарз бил қироъат-тур,  
Бил-ки қуръон ўқурға бу от-тур.

Фарз бўлса намоз бил мундоқ,  
Икки ракъатта фарз-дур ўқумоқ.

Вожиб-у нафл бирла суннатта,  
Фарз билгил тамом-и ракъатта.

Гар бир ойат ўқусанг ўқу узун,  
Қисқа ойат гар ўлса уч бўлсун.

## РУКУ МАСОЙИЛИ

Йана бир фарзни рукуъ билинг,  
Қилур ишни адоси бирла қилинг.

Хам<sup>147</sup> ўлунг илгингиз қўйуб тизга,  
Дегулукни мен айтайн сизга.

Бош-у ерқа бўйунни туп тузатинг,  
Ҳар намоз ишларини сиз тузатинг.

Мунда тасбиҳ бир дегунча турунг,  
Вожиб ушбу турушни мунда кўрунг,

Уч демакни ва лек суннат денг,  
Хоҳ тасбиҳ кеч денг-у, бот денг.

## СУЖУД МАСОЙИЛИ

Сажда бўлди бешинчи фарз, эшит.  
Лек бўлса жаноза бирла қазо,

<sup>143</sup> Ин — бу. <sup>144</sup> Сағир-у кабир — кичигу катта. <sup>145</sup> Қиём — намоз вақтида тик туриш.

<sup>146</sup> Рукуъ — букуниш, <sup>147</sup> Хам — этилган. <sup>148</sup> Сужуд — сажда қилиш.

Қўлларинг ерга қўй, орасига бош  
Сажда қилғил бу навъ, эй қардош.

Амал-и саждани десанг англай,  
Йерга қўйғил бурун била манглай.

Мунда тасбиҳ де-йу қил ором,  
Бу иккода рукуъ киби тамом.

Муни билгил-ки сажда айлар ҳин,  
Айоғинг бўлмасун жудо йердин.

Бир айоқ қўпса бор кароҳийат,  
Икиси қўпса бошдин эт нийят.

## ҚУЪУД МАСОИИЛИ

Қилди олтинчи фарз сўнгфи қуъуд,  
«Ат-таҳийат»<sup>150</sup> ўқуғучा маъбуд.

Муқтадо ушбу масъала билсун,  
То ташаҳҳуд мувофақат қилсун.

Олти хориждин ўлди вақти суннат,  
Бешини фарз черкасида санат.

Олти доҳилда қаъда-ву такбир,  
Шарт бил ўзга руҳи дей бир-бир.

## НАМОЗ ВОЖИБОТИНИНГ БАӘНИ

Чун айттим намоз фарзларин,  
Шарҳ этай эмди вожибини борин

Тут қулоқ, эй мусалли-ий<sup>151</sup> толиб,  
Бил йигирма ики-дурур вожиб.

Еттисин омм<sup>152</sup> билгасен, эй ёр,  
Ҳар мусаллийға ҳар салотда бор.

Бири «Оллоҳу акбар» ўлди эшиш,  
Вақт-и таҳримада бу лафз айит.

«Ат-таҳийат» ўқумоқ-дур бил,  
Қаъдалар вақтида ани ўқифил.

Иана таъдил руҳнларда керак,  
Муни ором дедилар бешак.

Қил рукуъ-у сужудта ором,  
То-ки тасбиҳ бир дегай-сен том,

Фарз-у вожибни йерларида қилиб,  
Айлагай-сен риъоят-и тартиб.

Иана бир «Фотиҳа»ни бир ўқумоқ,  
Бўлди вожиб эшиш-ки бор мундоқ.

Иана лафз-и салом ила чиққил,  
Қиладурған намоздин ҳосил.

Иана ўн бешига мен айтай ном,  
Бориға барча йерда эрмас омм,

Сен қироъатни қилға-сен таъйин,  
Ики аввалги ракъат ичра таъйин.

Ҳам бу икки-иу «Фотиҳа» ўқуғил,  
Ушбу иккода сурә-ий замм<sup>153</sup> қил.

Қилғил ал-ҳамд сурәға тақдим,  
Барчасини сенга қилай таълим.

Лек агар бўлса, нафл-и суннат бил,  
Барча ракъатта сурәе замм қил.

Суранинг замми лозим эрмастур,  
Гар бир ойат эса узун бас-дур.

Қисқа бўлса ўқуғил уч ойат,  
Йо бу уч қисқача керак риъоят.<sup>154</sup>

Иана ўқу «Қунут» албатта,  
Витр ичра учунчи рақъатта:

Оллоҳумма инно настаъинука ва настагфирука ва нуъмину  
бика ва натаваккалу алайка ва нусний алайка-л-хайра наш-  
куруа ва ла накфурука ва нахлашув ва натруку ман йафжу-  
рука. Оллоҳумма ийяка наъбду ва лака нусаллий ва на-  
ждуда ва илайка насью ва наҳфиду ва наржув раҳматака ва  
нахшо азобака инна азобака бил куффори мулҳик.

Гар киши билмаса «Қунут», нетар?  
«Раббано отийна» ўқулса йетар:

Раббано отийна фи-д-дунйо ҳасанатан ва фи-л-охирати ҳаса-  
натан вақийно азоба-и-нор.

<sup>149</sup> Қуъуд — ўтириш. <sup>150</sup> Ат-таҳийат — Куръондаги суранинг исоми.

<sup>151</sup> Мусаллий — намозхон. <sup>152</sup> Омм — умумий.

<sup>153</sup> Замм қилмоқ — қўшмоқ. <sup>154</sup> Риъоят — «риъоят»нинг тўлиқ шакли.

Лек ўрганмагига саъй керак,  
Саъйлар бирла керак ўрганмак.

Иана тонг бирла шом-у хуфтанды,  
Бил имом ўқусун баланд анда.

Бу-дур адноси<sup>155</sup> ғайр эшитса,  
Уни<sup>156</sup> элнинг қулоғига йетса.

Мунфаридқа<sup>157</sup> эшит-ки бор жойиз,  
Ўқусун хоҳ паст, хоҳ ангиз.<sup>158</sup>

Афзал ўлди гар ўқуса ангиз,  
Дегулик ҳар не бўлса айтур-биз,

Аср-у пешинда паст ўқусун имом,  
Мен айтқандек айласун итмом.

Бу қироъатни анча паст этсун,  
Лоақал ўзи они эшитсун.

Лабни тебратса кўнглида кечуруб,  
Бу қироъат эмас-тур маҳсуб.

Гар имом ўлмаса эшит-ки нетар,  
Мунфарид ҳам муни риъоят этар.

Иқтидо қилғанингда сен тек тур,  
Муқтадийга сукут вожиб-тур.

Бул қироъат маҳалида сокит,  
Дегуликларни ўзга чоғда айт,

Муқтадий кимки бўлса ул онда,  
Табаъийат<sup>159</sup> керак-туур анда.

Табаъийат бу-дур эшит масало,  
Иқтидо бўлса сажда, қаъда аро.

Ракаъатқа агарчи йўқ маҳсуб,  
Бўлмаса ҳам мутобаъат-тур хўб.

Қаъда-ий аввал ўлди вожиб бил,  
Анда ҳар вақт йетсанг ўлтурғил.

Ҷийдларда рукуъ такбири,  
Бил-ки вожиботин ул-дуур бири.

Иана такбирлар-дуур билғил,  
Ики ийд ичра вожиб, эй сойил,<sup>160</sup>

Иана бир сажда-ий тиловат бил,  
Сажда ул йерга гар йетсанг қил.

Бўлмаса ҳам намоз вожиб-тур,  
Йетсанг ул вақт сажда-ие келтур.

Ўқуғучи эшиткучи билсун,  
Йетса гар сажда йерига қилсун.

Бўлсанг ул вақт гар намоз ичида,  
Тенгри даргоҳида ниёз ичида.

Гар шерик ўлмаса ўқуғучи бил,  
Ўтагандин кейин бу саждани қил.

Ўқуса гар имом қил маълум,  
Сажда қилсун имом ҳам маъмум.<sup>161</sup>

Сен рукуъ этмайин бу саждани қил,  
Берукуъ айлагил бу саждани бил.

Иана бир вожиб ўлди сажда-ий саҳв,<sup>162</sup>  
Тенгрилик ишида керакмас лаҳв.<sup>163</sup>

Сажда-ий саҳв қайси-тур билғил,  
«Ат-таҳийат» ўқу доди муни қил.

Салавот ўқумай салом дегил,  
Масъала мундоқ ўлди шаръда бил.

Мунфарид ўлсанг айла ики салом,  
Лек бир ёнға қилғуси-тур имом.

Сен йана ики саждани келтур,  
Келтуруб ики саждани ўлтур.

«Ат-таҳийат» ўқу дағи салавот,  
Ушбу янглиғ тамом қил бу салавот.

## САЖДА-ИИ САҲВ МУЖИБОТИНГ БАЕНИ

Сажда-ий саҳв билғил, эй толиб,  
Неча ишдин сенга бўлур вожиб.

Мисли уч сажда бирла ики рукуъ,  
Сажда-ий саҳв қил бу топса вуқуъ.

Иана гар тарк бўлса ҳар вожиб,  
Сажда-ий саҳв келтур, эй толиб.

<sup>155</sup> Адно — яқин. <sup>156</sup> Ун — товуш, овоз. <sup>157</sup> Мунфарид — якка. <sup>158</sup> Ангиз — баланд. <sup>159</sup> Табаъийат — итоат, қулоқ тутиш. <sup>160</sup> Сойил — са-

<sup>161</sup> Маъмум — имомга иқтидо қилувчи. <sup>162</sup> Саҳв — хато янгилиши. <sup>163</sup> Лаҳв — ўйнашув, масхарабозлик.

Иана тақдим<sup>164</sup> бўлса, гар таъхир,<sup>165</sup>  
Фарзда сажда-дур анга тадбир.

Ҳадд-и таъхир мунча-дур билсанг;  
Анда бир рукни адо қилсанг.

Иана шак бўлса ракъат ичра санга,  
Тўрт йо уч бўлубму-дур масало,<sup>166</sup>

Гар бу шак бўлса санга аввал бор,  
Ута бошдин намозни зинҳор.

Гар санга борлар бўлур бу шак,  
Сўнgra бир ракъат анда бор ўтамак.

Сажда-йи саҳв мунда ҳам келтур,  
Мужиб-и сажда бу деганлар-дур.

Саҳв агар бирдин ортуқ бўлса нетар,  
Ҳар неча бўлса ики сажда йетар.

Гар номингға саҳв воқиъ-дур,  
Муқтадий бил-ки анга тобиъ-дур.

Муқтадий саҳв қиласа ул фурсат,  
Сажда-йи саҳв йўқ анга ҳожат.

Муқтадий саҳвини кўтаргай имом,  
Йод тутғил-ки айладим эълом.<sup>167</sup>

## НАМОЗ СУННАТЛАРИНГ БАӘНИ

Вожиб-у фарзға чу дедим от,  
Нечадур бил намоз аро суннат.

Кўтар илгингни десанг уч тақбир,  
Бири таҳримада, қунутта<sup>168</sup> бир.

Иана бир ъийдларда тақбирот,  
Дер маҳалда илиг кўтаргил бот.

Эр кўтарсун илгини гўшфача,  
Лек хотун илгини дўшфача.<sup>169</sup>

Тут очуқ бу маҳалда бармоқлар,  
Бил нечук-тур бу йўлға бормоқлар.

Киндик остида қўйға-сен сўлни,  
Сўлнинг устида қўйғил ўнг қўлни.

Сўнgra таҳримадин сано ўқуғил,  
Иана ўқу «аъузу» или «бисмил»:

**Субҳонака оллоҳумма ва би ҳамдика-с-смука ва таъоло  
жаддука ва жалла саноука ва ла илоҳа гайрук**

Иана омин де фотиҳадин сўнг,  
Бори ишни худо келтургай ўнг.

Чунки қилдинг бу тўртни маълум,  
Паст ўқусун имом ҳам маълум.

Интиқолотда<sup>170</sup> дегил тақбир,  
Барча йерда дегил магар ул бир

Ул бири-дур рукуъдин чиқмоқ,  
Ушбу йерда этмалил мундоқ.

Руқнларга кирап, чиқмоққа,  
Дедилар интиқол мундоққа.

«Самиъаллоҳ» дер имом анда,  
Муқтадий «Раббано лака» ул онда.

Мутафаррид ушбу сўзни эшиксун,  
Ҳар иқисини мунда айтсун!

Уч дегай-сен рукуъ тасбиҳин,  
Бу рукуъ ичра қўпға-сен йердин.

Қавма бирла рукуъ жалсада<sup>171</sup> бил,  
Барча бармоқларинг очуқ тутғил.

Сажда бирла рукуъ аро турмоқ,  
Қавма-дур суннат ўлди бил мундоқ.

Саждада йетти узв йерга тегкур,  
Айтайн барчасини бир-бир сўр.

Ики қўл, ики тиз, бош, ики оёқ,  
Ушбу йеттини йерга бор қўймоқ.

Сажда тасбиҳини дегай-сен уч,  
Ушбулар қилмоғини бил унтуч.

Ики сажда аросида ўлтур,  
Жалса дерлар муни бу суннат-тур.

«Ат-таҳийят»дин кейин салавот,  
Ўқумоқ суннат ўлди сен тўҳтот.

<sup>164</sup> Тақдим — олдинга кетиш, илгариланиш. <sup>165</sup> Таъхир — орқада қо-  
лиш, кечикиш. <sup>166</sup> Масало — масалан. <sup>167</sup> Эълом — хабардор тикини <sup>168</sup> Қу-  
нут — дуъо. <sup>169</sup> Душ — елка,

Оллоҳумма салли ъала Мұхаммадин ва борик ъала **Мұхаммадин** ва ъала оли Мұхаммадин камо саллайта **ва борак-**  
**та ва саллатта ъала Иброҳима раббано иннака ҳамиду**  
**мажид.**

Йуз эвур ўнгра, сўлға айла салом,  
Ушбу янглиғ намоз қил тамом.

Бори ишта имомга бўл маъмум,  
Тобиъ ўлмоқ керак қилинг маълум.

## НАМОЗ МУСТАҲАБЛАРИНИНГ БАӘНИ

Эмди айтай намоз мустаҳабин,  
Иана шарҳ айлайн аниң адабин.

Келса гар эснагунг оғиз ёпқил,  
Йўталинг дафъиға тақаллуф қил.

Муни бил мустаҳаб қироъатдин.  
Ўқумоғлиқ зиёд уч ойатдин.

Сен маҳалли рукуъда муни бил,  
Бош-у орқа бўйунни тўп туз қил.

Сажды қилмоқда тиз, илиг била бош,  
Қўй-у қўпмоқта ъакс, эй қардош.

Саждани икки қўл оросида қил,  
Анда бармоқларинг йопиштурғил.

Сажды айлар маҳалда муни бил,  
Барча бармоқ учини қиблаға қил.

Бўлса гар манглайнинг тер-у туфроқ,  
Пок қилма намоз аро мутлақ.

Чун намоз ичраким туарар-сен нек,<sup>172</sup>  
Тут айоқлар аросини тўрт элик.

Қаъдада путға қўйға-сен қўллар,  
Кўрсатай санга шаръ аро йўллар.

Сўл аёқ ёрга қўйуб ўлтур анга,  
Ўнгини тебратмаклик ўлди санга.

Эйла-ким рост панжа ёрда керак,  
Тобонинг тек туарар бу чоқ бешак.

Лек хотунни ёрга ўлтур де,  
Аёқ учлари ўнг сори тур де!

Бил имомингға мустаҳаб бўлди,  
Ўқумоғлиғ қироъат-и марвий.<sup>173</sup>

Айт тасбиҳларни учдин кўп,  
Лек тоқ айтмоғини кўргил хўб.

Қўл қориндин йироқ, қориндин бут,  
Бут аёқдин, аёқни ёрдин тут.

Қил рукуъ-у сужудта, мундоқ,  
Лек хотунға акс-дур қилмоқ.

Ракаъат тўрт фарз эса, муни бил,  
Ики сўнгида «фотиҳа» ўқуғил.

Иана «Ал-ҳамд» аввалида керак,  
Барча ракъатда тасмийа бешак.

Муни масбуқ<sup>174</sup> бил-ки ҳаргаҳ имом,  
Қўпғил ул чоғ-ки қилса ики салом.

Йуз эвурсун имом ўнг йонға,  
Фажр ила асрда бу-дур онға.

Магар ўлғай мусаллий ўтрусида,  
Жойиз эрмас — турур эли ўтрусида.

## НАМОЗ АДАБЛАРИНИНГ БАӘНИ

Шарҳ қилдим чу мустаҳабларини,  
Эмди айтай намоз адабларини.

Қил қиём ичра саждагаҳфа назар,  
Боқ аёқға чу бор рукуъ агар.

Сажды қилғанда бутунгға боқғил,  
Қўйнунга қаъда бўлса мундоқ қил.

Чун муъаззин айтса «ҳайя ъало».  
Қўпунгизлар намоз этарга адо.

Деса «қадди қомат» эткучи овоз,  
Қил имом анда сен шурӯъ-и намоз.

## НАМОЗ МУБОҲЛАРИНИНГ БАӘНИ

Неча иш-дур мубоҳ шаръ демиш,  
Гар намоз ичра воқиъ ўлса ул иш.

<sup>172</sup> Нек — яхши.

<sup>173</sup> Марвий — ривоят этилган. <sup>174</sup> Масбуқ — кейин қолган.

Үнг-сүл йуз эвурмайин кўрмак,  
Гар йилои қасд қилса ўлтурмак.

Танға йопушса тўн рукуъ аро,  
Йироқ ул тўнни қилмоқ ўлди раво.

Нафл агар бўлса эшит, эй қорий,  
Бил мубоҳ ўлди сурга тақрори.

## НАМОЗ МАКРУҲЛАРИНИНГ БАЕНИ

Эмди макруҳларга навбат-тур,  
Бил не ишларга ушбу навъ от-тур.

Бири тақрор қилмоғинг тақбир,  
Тарқ-и суннатни билга-сен йана бир.

Санамоғлиғ илиг била ойат,  
Ўқуғулукни ўқумоқ бот-бот.

Йана қилмоқ рукуъ аро, эй хом,<sup>175</sup>  
Қиладурған қироъятинг итмом.

Интиқолотта демаклик зикр,  
Айламаклик намоз аро йана фикр.

Йана таъйин сурга-дур билсанг,  
Гар муъаййан намоз аро қилсанг.

Суралар аввалида би-сми-л-лоҳ,  
Бўлди макруҳ ўқумоқ ул гоҳ.

Суралар жамъи-ким адосида,  
Қисқа сурга аросида.

Қўйиги сурга йуқори ўқумоқ,  
Бўлди макруҳ бу дағи андоқ.

Фарз ўлса иккинчи ракъатта,  
Ўқумоғлиғ узун бу фурсатта.

Оят-у сурада йана тақрор,  
Қилмоғинг-дур кароҳийат, эй йор!

Йана қилмоқ рукуъда қўйи бош,  
Саждагаҳдин аритмоғинг хас-у тош.

Йерга қўл қўймоғинг бурун тиздин,  
Акс қўймоқта-сен эшит биздин.

Йенгда қўл йўқ намоз қилмоқлиғ,  
Оғиз-у қўлда ҳарна тутмоқлиғ.

Оғиз-у кўзни узрсиз йопмоқ,  
Йопқил оғзингни бўлса эснар чоқ.

Йана бир йуктамак ойоқдин ойоқ,  
Жалса ичра тобонга ўлтурмоқ.

Тегса йерга билинг қорин тизга,  
Эрга макруҳ-дурур дейин сизга.

Чуманиб<sup>176</sup> йана итдек ўлтиromoқ,  
Йана боғдош оёғларинг қурмоқ.

Уй киби бош солиб салом этмак,  
Ошуқуб руҳни и нотамом этмак.

Тиш орасидағини йутмоғлиқ,  
Боғламаслиқ ани-ки бор боғлиқ.

Бўлса манглайды гар тер-у туфроқ,  
Бўлди макруҳ они аритмоқ.

Йана қўлни биқинга қўймоқ-дур,  
Йахши ид идламоқ ҳам андоқ-дур.

Гар мусаллода бор хас-у туфроқ,  
Бил-ки макруҳ бўлди тўн айамоқ.

Йана эшитмагунча ҳурмаклик,  
Йана оғиз суйин тукурмаклик.

Кийгулукларни киймак-у солмоқ,  
Бир амал бирла ҳам эрур мундоқ.

Тутмоқ олтунни-йу ипак киймак,  
Эрга макруҳ бўлди бил бешак.

Бўлмаса ҳам намоз эрур макруҳ,  
Тутғучи, кийгучи йегай андуҳ.

Эснамаклик, йана керилмак,  
Керак элга буларни билмаклик.

Утрудга ўт била киши бўлмоқ,  
Йеллимаклик намоз аро мутлақ.

Йана бормоқ намозға йугуруб,  
Чалангга йана йенгингни туруб.

<sup>175</sup> Хом — тажрибасиз.

<sup>176</sup> Чуманиб — қўлларини ерга таяб.

Иана бармоқларингни синдурмок,  
Нимага яна тойаниб турмоқ.

Иана бир бу-ки бош йаланг ўтамак,  
Бўлди макруҳ ушбу ранг ўтамак.

Зуҳр-у<sup>177</sup> шом, ашо<sup>178</sup> фаризасидин,  
Қилса макруҳ-дур даранг<sup>179</sup> кейин.

Иана бу-ким имом узун ўқуса,  
Боқса оне қавм учун ўқуса.

Бу дағи бор кароҳийат сен бил,  
Қавмнинг хотири учун таъжил.

Иана қилмоқ-дурур имом ҳийал,  
Келадурган киши учун бу маҳал.

Бўлса меҳроб тоқи ул онда,  
Мутафаррид бўлмоғи имом анда.

Иана бўлмоқ имом ангиз йерда,  
Бир қари ўйқори-йу сиз йерда.

**Ойати сажда-дур эшилт мундоқ,  
Паст ўқурда имом ани ўқумоқ.**

Руқнларда имомга сибқат,<sup>180</sup>  
Бил-ки бор-дур бу иш кароҳийат.

**Имомдин илгари рукуъдин бош кўтармоқ, имомдин илгари саждана бош кўтармак.**

Иана маъмум ангиз демак такбир,  
Жаҳр-и<sup>181</sup> кундузги нафл-дур йана бир.

Ойат-и ваъда-ву<sup>182</sup> ваъид<sup>183</sup> эшилт,  
«Садақа-л-лоҳ» демак бу йерда, йигит,

Неча йерда намоз эрур макруҳ,  
Ким-ки билмас, йегай басе андуҳ.

Қўтон-у оғил ичра мақбарада,  
Нажас ўтрусида-ву йўл арова.

Бил-ки хотунға масжид ичра намоз,  
Бўлди макруҳ, сен эшилкил роз.

<sup>177</sup> Зуҳр — пешин намози. <sup>178</sup> Ашо — хуфтон намози кўзда тутилмоқда.

<sup>179</sup> Даранг — кечиктириш. <sup>180</sup> Сибқат — олдинлаб кетиш, илдамлашиш.

<sup>181</sup> Жаҳр — товуш чиқариш. <sup>182</sup> Ваъда — яхшиликни қайтаришга сўз бериш.

<sup>183</sup> Ваъид — ёмонликни қайтаришга, сўз бериш.

Бўлса уйнинг ичида фисқ олат,  
Йо тўн-у ийда бўлса гар суврат.

Лек жонлиғнинг ўлса бу суврат,  
Анга бўлса бу тўн аро ҳайъат.

Бўлса мавжуд ушбу сувратлар,  
Бил кароҳийат ул намозда бор.

## НАМОЗ ФОСИДЛАРИНИНГ БАЁНИ

Ушбу афъол бирла кайфийот,  
Ким дедим барчасига бир-бир от.

Билки макруҳ-дурур намоз аро,  
Бўлса воқиъ иъодаси<sup>184</sup> авло.

Неча ишдин намоз ўлур фосид,  
Айтайн ўрганурга кўрсатиб жид.<sup>185</sup>

Узрсиз тарқ-и фарз-дур муфсид,  
Хоҳ саҳв ўлса, хоҳ эса қосид.

Ўқуғулуқнинг ўлса тағири,  
Бил-ки муфсиддин ул-дурур бири.

Онча тағиир<sup>186</sup> бўлса муфсид де,  
Ким муғаййарда<sup>187</sup> қолмаса маъни.

Йо бу тағиир гар бўлса фоҳиш,  
Қўй намозингни айла бошдин иш.

Сўз демак кўп-турур, гар оз-дурур,  
Бил-ки ул муфсид-и намоз-дурур.

Жалла десанг деганда тенгрига от,  
Йо набий отига десанг салавот.<sup>188</sup>

Ушбуларни намоз-и муфсид бил,  
Гар намоз ичра сен булар демагил

Иана таълим ила таъаллум бил,  
Бу ики феълни дегил мубаттил.

Иана бир нимага талаб бўлгай,  
Ким ани халқдин тилаб бўлгай.

Иана мусҳафни кўрубон ўқумоқ,  
Бу дағи муфсид ўлди бил мундоқ.

<sup>184</sup> Иъода — қайтариш. <sup>185</sup> Жид — саъли харакат. <sup>186</sup> Тағиир — ғартириш. <sup>187</sup> Муғаййар — ўзгартирилган. <sup>188</sup> Жалла демок — намоз зикрида бошқа сўз қўшиш назарда тутилмоқда.

## БЕШ ВАҚТ НАМОЗНИНГ БАЁНИ

Йана инграмоқ, айламак оҳ-у воҳ,  
Муфсид ўлди билар, бўлунг огоҳ.  
  
Ики илиг бирла қилсанг ар уч иш,  
Бир йўли муфсид ўлди, сен билсанг.  
  
Бир илик бирла қилсанг ар уч иш,  
Бўлса бир руқнда бу муфсид эмиш.  
  
Саждада қўпса бирдин ики ойоқ,  
Бу доғи муфсид бўлди бил мундоқ.  
  
Йана йўл йуримак-дурур мубаттил,  
Йурсанг уч қадамча муфсид бил.  
  
Йана ичмак, ўемак-дурур мубаттил,  
Кулмак ун бирла даги мубаттил бил.  
  
Ун била йиғласанг бу муфсид эмиш,  
Магар ўлғай жиҳат-и худойлик иш.  
  
Йана хўрмак ўзунг эшигунча,  
Муфсид ўлди бу феъл бил мунча.  
  
Йана муфсид-дурур йўталмак бил,  
Бўлса беузр бор-дурур мубаттил.  
  
Қибладин ўзга сори йуз бўлса,  
Муфсид ўлғай чу кўксунг эврулса,  
  
Йана бир муфсиде нажосат бил,  
Андин ўзунгни сен йироқ тутғил.  
  
Бу нажосатни икки навъеда бил,  
Дирам-у рубъини тасаввур қил.  
  
Қасд бирла вузуни синдурмоқ,  
Муфсид ўлди бу феъл бил мундоқ.  
  
Мутайаммим<sup>189</sup> агар сувни кўрса,  
Бу даги муфсид ўлди дeng кўрса.  
  
Вақтнинг чиқмоғи-дурур мубаттил,  
Соҳиб-и узрга бу масъала бил.  
  
Йана тартиб эгаси йори эшигунча,  
Фавт бўлған намоз йод этса.  
  
Фосид ўлди намоз анга билсун,  
Муни қўйсун, қазосини қилсун.

Ким-ки беш вақтта намоз этти,  
Ракъат-и фарзда бор ўн йетти.  
  
Икиси тонг-и намози андин-дур,  
Тўрт дигар-и<sup>190</sup> намоз-и пешин-дур.  
  
Тўрт аср ўлди-йу йана уч шом,  
Тўрт хуфтан фариза бўлди тамом.  
  
Тўртларини ики мусоғир ўтар,  
Бир тун-у кунда фарз ўн бир ўтар.  
  
Йана уч витр-дур-ки вожиб-тур,  
Мунда зикр айламак муносиб-тур.  
  
Эмди айтай-ки неча-дур суннат,  
Бор тун-у кунда ўн ики ракъат.  
  
Икирар субҳ-у шом-у хуфтанда,  
Йана пешин-ки олти-дур анда.

## МУСОФИРОНА НАМОЗНИНГ БАЁНИ

Чун киши қасд-и мавзиъе<sup>191</sup> қилса,  
Мақсадининг масофатин билса.  
  
Уч тун-у кунлуғ ўлса ушбу йўли,  
Дер сафар муддати шариъат эли.  
  
Бу мароҳилда<sup>192</sup> шаръ муҳтори,  
Теванинг бўлди ўрта рафтори.  
  
Бўлса тоғ йўли, пийода киши,  
Мутавассит<sup>193</sup> керак-турур йуруши.  
  
Сувда, гар кема-дур, агар ғайри,<sup>194</sup>  
Мұтабар-дур анинг васат<sup>195</sup> сайри.  
  
Гар йиғоч бирла истасанг миқёс,  
Ўн сакиз бил-ки деди шаръшунос.  
  
Бир йиғоч бил-ки бор-дурур уч мил,  
Бурнароқ мил айтилиб эди бил.  
  
Чиқса гар нийят сафар этибон,  
Ватанининг саводидин ўтубон.

<sup>190</sup> Дигар — башка. <sup>191</sup> Қасд и мавзиъе — бирор ерга боришни жалласа. <sup>192</sup> Мароҳил — бирл. марҳила — йўл йуриш. <sup>193</sup> Мутавассит — ўрта, миёнана. <sup>194</sup> Ғайр — бошқа. <sup>195</sup> Васат — ўрта, ўртача.

Мутайаммим — туфроқ билан таҳорат қилувчи.

Ул замин бил мусофири ул кишини,  
Сафарона қилур бори ишини.

Бил мусофири не-дурур аҳком,  
Тут қулоқ барчасин қилай эълом.

Бири бу-ким намоз қаср этар,  
Тўрт ракъат фариза икки этар.

Гар қазо бўлса бу намоз нетар,  
Бил-ки ани мусофирина ўтар.

Лек суннатларини бил, эй йор,  
Қилур-у қилмасиға сен мухтор.

Билингиз ушбу сўзни, эй уламо,  
Йўл йурумаста қилсангиз авло.

Рамазон рўзасига сен мухтор,  
Гар тут, тутма ихтийоринг бор,

Лек авлоси рўза тутмоқ-дур,  
Нафснинг лаззатин унумтоқ-дур.

Рўза йеган киши қазо қилсун,  
Бирга бир рўзасин адо қилсун,

Йана бу-ким мусофири-ки билур,  
Уч тун-у кун ўтукка масҳ қилур.

Иетса гар мақсадига бу сафари,  
Ани бўлди муқим шаръ дейари.

Йўқса ўн беш кечада била кундуз,  
Турмогин ниййат этса бу-дур сўз.

Ушбу турмоққа лек шаҳр керак,  
Бўлмаса шаҳр, бўлса кент кесак.

Ул кишининг муқим эрур номи,  
Кетар андин мусофири аҳкоми.

Йозида ниййат-и иқомат ила,  
Эл муқим ўлмағай бу ниййат ила.

Магар ўлгай йозида ўл-турур эл,  
Хайма-ву<sup>196</sup> олачуқ била йурур эл.

Анда-ким чериг эли воқиъ-дур,  
Подшаҳ нийнатига тобиъ-дур.

Гар мусофири бор муқим имом,  
Табаъийят керак-тур анда тамом.

Гар мусофири имом бўлса нетар,  
Муқтадо, сўнгра икки ракъат ўтар.

## СОҲИБИ ТАРТИБНИНГ БАЁНИ

Пайдарпай ҳам кишига олти салот,  
Бўлмағон бўлса фавт бил анга от.

Шаръда бўлди соҳиб-и тартиб,  
Масъала хотирингда тут эшишиб.

Бу кишига намоз бўлса қазо,  
Айласун аввал ул қазони адо.

Гар қазо қилмайин қилур вақтин,  
Шаръ манъ айлади бу қилмоқдин,

Бал-ки вақти раво эмас-тур анга,  
То бу қолғани қилмағунча адо.

Лек наздиктар<sup>197</sup> десун бу қазо,  
Бу қазони муайян этсун адо.

Кишига гар қазо кўп ўлса нетар,  
Ул қазони дағи муайян этар.

Йо бу боштин қазони қил таъйин,  
Йохуд ул боштин алайгил таъйин..

Бил уч иш бўлди мусқит-и<sup>198</sup> тартиб,  
Айтайн ўйд тутқа-сен эшишиб.

Бири нисйон-дурур<sup>199</sup> булардин бил  
Йана бир вакът торлиғини дегил.

Йана бир касрат-и<sup>200</sup> фавойид бил,  
Ушбу касрат ақалли олти дегил.

Соқит ўлса бу навъ ила тартиб,  
Қилмас ул авд<sup>201</sup> йана бил эшишиб.

Ҳар қачон ҳар қазони қилсанг, қил!  
Йана тартиб ҳожат эрмас-тур бил!

<sup>197</sup> Наздиктар — яқинроқ. <sup>198</sup> Мусқит-и тартиб — тартибни соқит қи-  
лувчи. <sup>199</sup> Нисйон — эсдан чиқариш, хотирадан кўтарилиш. <sup>200</sup> Касрат — кўп,  
тўда. <sup>201</sup> Авд — қайтиш.

## ОГРИҚ НАМОЗИННИГ БАЁНИ

Йана оғриқ намозини билгил,  
Оғриқ ўлған бу сўзни эшитгил.

Гар муйассар эмас санга турмоқ,  
Жоиз ўлди бу вақт ўлтурмоқ.

Ўлтуруб ҳам рукуъ бирла сужуд,  
Қила олмас эсанг бу-дур беҳбуд.<sup>202</sup>

Ўлтуруб қил ишорат-у иймо,  
Бу ики руки қил бу навъ адо.

Бу ишоратни сен бу навъ этгил,  
Сажда бирла рукуъ фарқин қил.

Лек ишоратни қилма қоши билга,  
Бу ишоратни айла бош ила.

Мунга ҳам бўлмаса мажолинг агар,  
Йотғил орқангфа ул чоғ, эй сарвар.

Қибла сори айоқларинг қилсанг,  
Қил намозинг бу масъала билсанг.

Бил-ки бордур муаккада<sup>203</sup> суннат,  
Фарзларда азон бирла иқомат.

Қил риъоят муни аzon дерда,  
Бийик ун бирла дейинг бийик йерда.

Қибла сори йузунгни кёлтирибон,  
Сен вузу бирла айтқил турубон.

Бевузу ҳам гарчи бўлди раво,  
Гар вузу бўлса бор-дурур авло.

Лек иқоматни бевузу демак,  
Бўлди макрӯҳ билга-сен бешак.

Сен аzon дерда тут бу сўзни йод,  
ЛАҲН ила ҳарфларни қилма зијод.

Вақтларда дегил аzonларни,  
Қилма бевақт ушбу чорларни.

Беш кишига кароҳийат-дур аzon,  
Деса айланг иъодасин ул он.

Бири ноболиг-у йана хотун,  
Жанаб-у маст-у йана бир мажнун.

Гар қазо борини қилсанг ул фурсат,  
Айт аввал азонни бир навбат.

Ўзгаларда азон эмас ҳожат,  
Агар айтилса бас-дурур қомат.

Гар жамоъатға йетмасанг билгил,  
Ул азон бас-дурур иқомат қил.

Ҳар киши-ким муқим эрмас-тур,  
Гар иқомат этса ул бас-тур.

Масжид-и ҳай муъazzиниға жавоб  
Вожиб ўлди демаклик, эй аҳроб,

Қайси-дур бу жавоб мандин эшит,  
Ҳар-не деса муаzzин ани айтит.

Магар ул чоғ-ки деса «ҳай алайхин»,  
Айт! «Ла ҳавла» анда мен айтайн.

Ҳеч сўз дема қилмагил, ҳеч иш,  
Бу маҳал сўз, иш ҳаром эрмиш.

Ўзга масжид муъazzиниға жавоб,  
Вожиб эрмас-турур билинг аҳроб.

## НАМОЗНИ ЖАМОЪАТ БИЛА ҮТАМАҚНИНГ БАЁНИ

Бил жамоат муаккада суннат,  
Ким-ки тарқ айласа йегай ҳасрат.

Қавм тарқ этса бил муни бешак,  
Бўлур ул қавм ила қитол этмак.<sup>204</sup>

Сен жамоъатни тарқ айламагил,  
Ҳар неча кўп савоби кўпроқ бил.

Магар ўлғай санга йовуқ масжид,  
Сендин ўлғай йироқ улуқ масжид.

Ушбу масжидга бор, борма йироқ,  
Йўқ раво кўплуги учун бормоқ.

<sup>202</sup> Беҳбуд — яхши ҳолат. <sup>203</sup> Муаккада — таъкидланган: **муаккада суннат** — Расулиллоҳ қилиниши лозим деб таъкидлаган суннат.

<sup>204</sup> Қитол этмак — урушмоқ.

Фавт бўлса намоз-и, масжид ҳай,  
Санга уч иш раво-дуур айтай.

Узга масжид жамоъатига йугур,  
Йо бу масжида йолғуз ўтаб тур!

Йо ўз уйунгда-ўқ намоз ўтагил,  
Бу уч ишта мухайяр<sup>205</sup> ўлдунг бил.

Гар ўн ишдин бириси-дур воқиъ,  
Бил жамоъатга бор-дуур мониъ,

Бириси бўлди йомғур-у балчиқ,  
Йана бир қўпса кеча ел қатиқ.

Йана бир бўлса гар киши оғриқ,  
Йо бирор ўлса, бўлса оғриқлиқ.

Йана оч оллида таъом ўлса,  
Йана бир бу-ки хавф-и дом<sup>206</sup> ўлса

Йана гар хавф бўлса султондин,  
Истамаклик йана бу қолфондин.

Йана бири қасос ғавғоси,  
Бор ўнунчи вузу тақозоси.

Йамон-у яхши орқасида намоз,  
Бил-ки бор-дур шариъат ичра жавоз.<sup>207</sup>

Лек авло бу-дур имомат аро,  
Ким-ки ўлғай аълам-у атқо<sup>208</sup>.

Мутайаммим киши-йу, мосиҳ бил,  
Мутаваззий<sup>209</sup> била йана ғосил.<sup>210</sup>

Жойиз ўлди улар имом ўлғай,  
Ушбуларнинг иши тамом ўлғай,

Бўлса гар эр имом хотунға,  
Не-туур шаръ буйруғи мунға.

Қилди гар ниййат имомат эр,  
Бил-ки хотун намози жойиз дер.

Лек хотун имомат-и ниййат,  
Айламак-тур имом ул фурсат.

Бил имомат кароҳийат ул кишига  
Бўлмаса қавм розъ ул ишига.

Қилмағай-сиз имом неча киши,  
Гар қилур-сиз раво эмас бу иши.

Бири ноболиг-у йана бири гунг,  
Соҳиб-и узр бўлмасун бу сўзунг.

Ким адо қилса ҳарф маҳражсиз,  
Бу кишини имом қилманг сиз.

Сафингиз ики бўлмасун кўрунгиз,  
Арони очмайин йовуқ турингиз.

Бўлса маъмум бир киши муни денг,  
Турсун ўнг йон имом ила тенг.

Нафл ўтар кишига фаризагузор,  
Иқтидоси дуруст эмас, эй йор.

Мутанаффилнинг<sup>211</sup> иқтидоси vale,  
Фарз ўтар кишига раво-дур vale.

## НАМОЗ-И ЖУМЪАНИГ БАЕНИ

Йана билгил намоз-и жумъани фарз,  
Бу шаройит била-ки қилғум арз.

Фарз билсун бу навъ ила ҳар ким,  
Эрур озод-у тандуруст-у муқим.

Лек адосида неча шарт керак,  
Лозим ўлди бу шартлар билмак.

Миср-и<sup>212</sup> жомиъда қил адо бу намоз,  
Қайси-дур миср-и жомиъ эшиг роз.

Подшоҳ ўлғай анда, йо нойиб,  
Хукм-и шаръ айлагай қазо мансаб.

Йана ул-ки шарт подшаҳ бўлсун,  
Йо керак анда нойиб-и маъзун.<sup>213</sup>

Йана бир шарт вақт-и пешин-дур,  
Мунда билгил бу навъ талқин-дур.

Фарзин вақт жумъада демагил,  
Фарз бу вақтда дегай-сен бил.

<sup>204</sup> Қитол этмак — урушмоқ. <sup>205</sup> Мухайяр — ихтийор ўзига берилган.  
<sup>206</sup> Дом — чорва. <sup>207</sup> Жавоз — рухсат, изжозат. <sup>208</sup> Аълам-у атқо — энгилорон ва энг кучли тақволи. <sup>209</sup> Мутаваззий — вузу қилувчи; мосиҳ — масҳ қилувчи. <sup>210</sup> Ғосил — фусл қилувчи.

<sup>211</sup> Мутанаффил — нафл намозини ўқувчи. <sup>212</sup> Миср — катта шаҳар, изн берилган. <sup>213</sup> Маъзун — изн берилган.

Иана бир шарт хутба-дур анда,  
Зикр-и хақ-дур ақалли ул анда.

Иана бир шарт бил жамоъатдур,  
Озроғи уч киши бу фурсат-дур.

Лек файр-и имом уч бўлсун,  
То жамоъат бу уч била тўлсун!

Бўлса мазкур шартлар ҳосил,  
Фарз анда намоз-и жумъани бил.

Чунки масжидга йетга-сен аввал,  
Нафл қил ики ракъат ушбу маҳал.

Бор бу ики таҳийат-и масжид,  
Ута тенгри ишида кўрсат жид.

Иана суннатни тўрт ракъат қил,  
Суннат-и жумъалик нийят қил.

Қилмагай-сиз намоз хутба чоғи,  
Зокир этма билинг не сўзга дағи,

Гар хатибингдин ўзга бўлса имом,  
Не-дурур шаръ элига мунда калом.

Бил-ки эрмас бу хориж-и суннат,  
Қил намозингни бекарохийат.

Қаъдада гар имомға еттинг,  
Йқтидо қил-ки бу намоз этдинг,

Иана қилғил сунан<sup>214</sup> била пешин,  
Зуҳр наздиктар<sup>215</sup> дегил ул ҳин.

Кишига тарк бўлса ушбу салот,  
Андаким мунъақид эмас<sup>216</sup> бу салот.

Зуҳрда бор жамоъат ул авқот,<sup>217</sup>  
Айласун зуҳр йалғуз ул авқот.

Ўтабон жумъадин бурун пешин,  
Азм-и масжид гар айласанг ул ҳин.

Жумъаға гар йетишмасанг билгил,  
Ўтаган зуҳрунг ўлғуси ботил.

Иахши тўн кий-ки мустаҳаб-тур бу,  
Тут ўзунг бирла бу маҳал хушбу.

Киши бўйниға қўймағай-сен айоқ,  
Қайда йер топсанг анда ўлтурмоқ.

## ИИД НАМОЗЛАРИНИНГ БАЁНИ

Ийдларнинг намози вожиб бил,  
Мен айтқан киби адо қилғил.

Мунда ҳам билга-сен шаройит бор,  
Жумъани шартидек-туур, эй йор.

Жумъада хутба илгари ўқилур,  
Ийдларда намоздин сўнг ўқулур.

Чиқса кун вақтининг бидойатидур,  
Тушгача вақтининг ниҳоятидур.

Ийдларда намоз ики ракъат,  
Ўтагил беазон-у бе қомат.

Рамазон ийди бўлса дей рамазон,  
Ийд-и қурбон гар ўлса дей қурбон.

Бил-ки вожиб-туур тўқуз такбир,  
Ийдларда борин дейин бир-бир.

Бил-ки таҳrima дедилар бири,  
Иана ики рукуъ такбири.

Иана олтисини завойид<sup>218</sup> бил,  
Ушбулар билмагин фавойид<sup>219</sup> бил.

Сўнгра таҳrimадин сано ўқуғил,  
Иликинг мунда боғламоқ-тур бил.

Иана мундин кейин де уч такбир,  
Кўтариб боғламай илиг бир-бир.

Лек охирғида қовуштур илиг,  
Керак элга буларни билмаклик.

Иана ўқу «аъзу» ила «бисмил»,  
Иана «ал-ҳамд» ила қироъта қил.

Иана билгил икинчи ракъатдин,  
Сўнгра «ал-ҳамд» ила қироъатдин.

<sup>214</sup> Сунан — «суннат»нинг кўплиги. <sup>215</sup> Наздиктар — 197 ячи изоҳга қа-  
ранг. <sup>216</sup> Андаким мунъақид эмас — ҳисоб эмас, келишилмаган, яъни ўз  
вақтидан бошқа вақтда. <sup>217</sup> Авқот — «вақт»нинг кўплиги.

<sup>218</sup> Завойид — «зойид» (ортиқ)нинг кўплиги. <sup>219</sup> Фавойид — «фонда»-  
нинг кўплиги.

Айт такбир йана уч навбат,  
Кўтариб боғламай эл ул фурсат,

Йана дегил рукуъ такбириң,  
Йод тут шаръ аҳли тақририн.

Гар имом айтқанда такбирот,  
Иқтидо құлсанг анга ул авқот.

Айт такбирлар, ўқума сано,  
Солиб илгингни құл буларни адо.

Иқтидо құлдинг ар рукуъ чоғи,  
Айт тасбих вақтида бойоги.

Гар йетиштинг иккинчи ракъатта,  
Сенга бу бўлди бу фурсатта.

Ул маҳал қўп имом құлса салом,  
Ул намозингни құл бу навъ тамом.

Ўқу «ал-ҳамд» ҳам қироъат құл,  
Сўнгра такбирларни айтқил.

Фитр ъийди-ки ойи-тур шаввол,  
Бўлса таҳқиқ ийд баъд-и<sup>220</sup> завол,

Сўнғи кун бу намоз құлса бўлур,  
Масъала жаҳд бирла билса бўлур.

Лек агар ийд бор-дурур азҳо,<sup>221</sup>  
Бўлди ташриқ кунларида раво.

Қайси-тур ийдларда истихбоб,<sup>222</sup>  
Айтайнин йод олға-сиз аҳбоб.

Айла мисвок, йахши тўнлар кий,  
Яхши ид тут ўзунг, бўйла, санга дей.

Сен намоз айламакта бил мунча,  
Құлмағил нафл ани құлғунча.

Борсанг ар ийдгаҳа бир йондин,  
Ўзга йўл бирла йонға-сен ондин.

Фитр ийдида мустаҳаб-тур бил,  
Садақа-йи фитрни бурун бергил.

Йегулук ийдларнинг йемакларидин,  
Билга-сен шаръ эли демакларидин.

Айт такбирларни оҳиста,  
Йетгунча ийдгаҳа пайваста.

Ийд-и азҳода этангиз такбир,  
Борисин айтайнин санга бир-бир.

Ҳар фариза сўнгида сен муни бил,  
Барча ташриқ кунларида дегил.

Арафа-йи фажрдин демак-тур бил,  
Сўнгқи ташриқ асриғача дегил.

Бил-ки вожиб-турур бу такбирот,  
Бу масойилни йод ол, тўхтот.

Утагунча намоз ҳеч нима,  
Ийд-и азҳо гар ўлса ҳеч йема,

Қил намозингни айла қурбонлиқ,  
Билгил аидин-ки бор-дурур лойиқ.

Ики ийд ичра ики вожиб-тур,  
Мунда айтай демак муносиб-тур.

## САДАҚА-ИИ ФИТРНИНГ БАЕНИ

Бўлса молик-и нисоб агар ҳар хур,  
Садақа-йи фитр анга вожиб-тур.

Фитр ийдида фитр садақаси бил,  
Қилайин санга шарҳ эшитгил.

Бу нима-ким нисоб-тур анга от,  
Мунда дохил эмас зарурийот.

Йегулук, кийгулук уй олоти,  
Уруш асбоби-йу минар оти.

Фозий элда магар икки от-тур,  
Мунча чорлиқ анга зарурот-тур,

Йана экмакка бил-ки дехқонға,  
Ики уйни<sup>223</sup> зарур бил-ки онға.

Йана касб аҳлиға-ки бор асбоб,  
Фиқҳдин бўлса фиқҳ әлида китоб.

Хизмат учун гар ўлса бандалари,  
Бил-ки бор-тур зарури ушбулари.

<sup>220</sup> Баъд — сўнгра, кейин. <sup>221</sup> Ийди азҳо — қурбон ҳайити. <sup>222</sup> Истихбоб — мустаҳаб амали.

<sup>223</sup> Уй — қорамол.

Бу заруридин ортуғин санағил,  
Шарт эмас мунда пулнинг ўтмаги, бил.

Гар нисобиға йетса бу фозил,  
Фитр садақасини сен бергил!

Садақа-йи фитрни ўзунгдин бер,  
Шаръ кимдин йана муни бер дер?

Гар санга бўлса ўғлон-у банда,  
Бер булардин бу садқани анда,

Берма қулдин-ки бор тижорат учун,  
Болиг ўлған эса ўзи берсун!

Кичик ўғлон-ки моллиқ эрур,  
Отаси ўғли молидин берур.

Кичик ўғлонда банда бўлса бу ҳин,  
Садқа бермак йўқ иҳтийож андин.

Бўлса ўғлон жиҳоти андин бир,  
Масъала шаръ аҳли мундоқ дер.

Киши бошиға вожиб ўлғон ҳин,  
Берга-сен нисф-и соъ буғдойдин.

Беруунг бўлса гар мавиз<sup>224</sup> сенинг,  
Бил-ки буғдойдек ўлди ҳукми анинг.

Йана ҳурмо-ву арфадин бир соъ,  
Берга-сен санда бўлса гар бу матоъ,

Билга-сен соъ тўрт ботмон-дур,  
Шарънинг ботмони бу деган-дур.

Икки ратл ўлди ушбу ботмон бил,  
Ратл истор или йигирма дегил.

Бил-ки мисқол бирла бу истор,  
Тўрт йарим-дур муни эшиш, эй йор,

Ратл мисқол бирла бир тўқсон,  
Ботмонин бил-ки бўлди ўз саксон,

Соъни етти ўз йигирма дегил,  
Борини шарҳи бирла дедим бил.

Йо бу зикр айлаганни қиймат қил,  
Қийматни бермакини афзал бил.

Фитр ийди тонги йорутса қароғ,  
Бил-ки вақт-и вужуб<sup>225</sup> эрур бу чор.

Садқа бер бурнароқ намозингдин,  
Мустаҳаб-тур берур эсанг бу ҳин.

Садақа-йи фитр бермак эшиштил,  
Ийдтин бурна доғи жойиз бил.

Бўлса бу садқада агар таъхир,  
Бор саҳиҳ ўзга вақт берсанг бер.

Садақа-йи фитр-и масрафи-йу<sup>226</sup> закон,  
Бир-дурур хотирингда сен тўхтот.

## ҚУРБОНЛИҚНИНГ БАЁНИ

Йана азҳийя бил-ки вожиб-тур,  
Ийд-и, азҳода сен бажо келтур.

Садақа-йи фитр вожиб ўлғанға,  
Вожиб ўлғай бу иш дағи онға.

Лек қурбон ўзига қилсун бас,  
Қул-у фарзанд учун бу вожиб эмас.

Ийд-и азҳо намозини қилсанг,  
Бўлди вақт-и вужуд агар билсанг.

Вақти бил уч кун ўлди кўнглунгға ол,  
Лек аввалғи кун-дурур афзал,

Қим қурбон қилур муни билсун,  
Шаҳр халқи намоз ўтаб қилсун.

Фарадий эл раво-дурур билингиз,  
Ийднинг субҳидин кейин қилингиз.

Киши бошиға ўчку-дур, ю қўй,  
Йетти кишига тева-дур, ю уй.

Қўй-у ўчку йошин билинг, бойлар,  
Бир йошини тугатган ўлғайлар.

Үй-у тева керак-турур ул он,  
Учга-ву олтиға ойоқ қўйғон.

Хасий-у<sup>227</sup> шохсиз раво-дур бил,  
Тенгри йўлида они қурбон қил.

<sup>224</sup> Мавиз — майиз. <sup>225</sup> Вужуб — вожиб амали.

<sup>226</sup> Масраф — сарф қилиш. <sup>227</sup> Хасий — бичилган.

Ушбу қурбонлиғ ўлмасун ул чоғ,  
Оруқ-у оқсоқ-у чиноқ-у чўлоғ.

Бўлмасун кўр-у калта-ву тиҳсиз,  
Ушбуларни билинг эмас жойиз.

Оруғ андоқ-ки бўлмағай илиги.<sup>228</sup>  
Чўлоқ андоқ-ки бўлмағай илиги.<sup>229</sup>

Оқсоқ ул бўлди шаръ эли дер нега?  
Кела олмағай ул турага йерига.

Қулоги, қўйруғи била кўзидин,  
Бўлмағай сулси, забҳ<sup>230</sup> айлар ҳин.

Эмди тиҳсизни дей билинг мундок?  
Бўлмағай оғзида тиши мутлақа.

Яхшироқ бу-дурур ўзунг забҳ эт,  
Йо буйур, дағи забҳинг устига йет.

Сулсини садақа қил-ки бор афзал,  
Йана бир сулсини ўзунг учун ол,

Йана бир сулсини зиёфат қил,  
Сахласанг барчасини ҳам сен бил,

Терисин садқа, йо бир олат қил,  
Интифоъ<sup>231</sup> олса бўлғай андин бил.

## ЎЛУК НАМОЗИННИГ БАЁНИ

Йана билгил ўлук намози бор,  
Муни фарз-и кифойа деб-дурлар.

Қайси-дур бу кифойа фарзи бил,  
Айтайн сен қулоқ сол, эшитгил.

Бир мусулмон ул ишни қилғанидин,  
Соқит ўлғай тамоми гарданидин.

Билибон ҳеч ким агар қилмас,  
Бори бўлур муъоқиб<sup>232</sup> эл билмас.

Тўрт такбир бўлди, бил бу салот,  
Не йўсунлиқ қилурни дей, тўхтот.

Бўлса такбир аввал, эй сарвар,  
Муни айтурда сен илигни кўтар.

Мундин ўзга дерингда такбирот,  
Эл\* кўтарма, бошингни сен теброт.

Ўқуғай-сен сен они андин сўнг,  
Йана такбирни дегандин сўнг.

Айнтағай-сен расулға салавот,  
Йана учунчини айтғил бот.

Уқу учунчидин кейин бу дуъо,  
Бу дуъо суннат ўлди қилғил адo.

Оллоҳумма-ғfir ли-ҳайино ва майитино ва шоҳидино  
ва ғойибино ва сафирино ва кабирино ва закарино ва унсоно  
Оллоҳумма ман аҳайтаҳу минно фанаҳийху ъала-л-исломи  
ва ман таваффайтаҳу минно фа таваффаҳу аъла-л-ијмон ва  
т-тавбати би раҳматика йо арҳама-р-роҳимийн. Оллоҳумма-  
жъалху лано фаратан ва-жъалху лано ажран ва заҳран ва-  
жъалху лано шофиъан ва мушаффиъан би раҳматика йо ар-  
ҳама-р-роҳимин.

Қиз норасида бўлса:

Оллоҳумма-жъалху лано фаратан ва ажъалҳо лано ажран ва  
зухран ва ажъалҳо лано шофиъатан ва мушаффиъатан би  
раҳматика йо арҳама-р-роҳимин.

Йана тўртунчидин кейин де салом,  
Бу намозингни қил бу навъ тамом.

Бу намоз айламакта сен муни бил,  
Суннат ўлди намоз-и ихфо қил.

Сен ўлукка намоз қил бу сифот,  
Кўксунинг ўтрусида қил бу салот.

Шаҳ керак, бу имом йо қозий,  
Йо бирав-ким валий эса розий.

Бу намозингни қилға-сен уч саф,  
Сўнғи саф бил-ки бор-дурур ашраф.

Фавт агар бўлса кишига такбир,  
Бўлмаған киши-тур десун йана бир.

Гар намоз айламакта ул фурсат,  
Ҳозир ўлғанга ўзга-дур суврат.

Бетаваққуф намозға кирап ул,  
Ушбу-дур бил шариъат аҳлиға йўл.

Фавт бўлғани сўнгра дей, айтай,  
Бедуъо де уларни пайдарпай.

<sup>228</sup> Илик — илик. <sup>229</sup> Илик — қўл. <sup>230</sup> Забҳ айламоқ — сўймоқ. <sup>231</sup> Интифоъ — фойда. <sup>232</sup> Муъоқиб — жазоли.

\* Эл — қўл.

Чун жаноза күттарсалар муни бил,  
Қиладурған намоз қатъ этгил.

## ТАРОВИҲ НАМОЗИНинг МАСОИИЛИ

Сен таровиҳ намозини бил,  
Рамазон тунларида они қил.

Суннат ўлди бу ики ўн ракъат,  
Лек эмас-тур муаккida суннат,

Бу намоз ила сўнгра хуфтандин,  
Витрни сўнгра қилға-сен андин.

Ҳар ики ракъат этсанг айла салом,  
Қил жамоъат била муни итмол.

Тўрт ракъатта истироҳат қил,  
Уч бу тасбиҳни бу вақт дегил.

Субҳона зи-л-мулки ва-л-малакути субҳона зи-л-ъиззати  
ва-л-ъазамати ва-л-қудрати ва-л-кибрийои ва-л-жабарути  
субҳона-л-малики-л ҳайи-л-лазий ло йамуту суббуҳун қуд-  
дусун раббу-л-малоикати ва-р-руҳ.

Мустаҳаб-дур тамом ўқу қуръон,  
Сен таровиҳта бори рамазон.

Йўқ эса ўқуғай-сен ул ойат.  
«Фотиҳа»дин кейин ўшул фурсат.

Ўтабон витрға чу ётетгай-сен,  
Витрни ҳамжамоъат этгай-сен.

Иана ишроқ<sup>233</sup>нинг намозини бил,  
Чиқса кун найза бўйи сен муни қил.

Ўқу «ал-ҳамд» ушбу ойатлар.  
Бил-ки мундоқ-туур ривойатлар.

Оллоҳу нуру-с-самавоти ва-л-арзи масалу нуриҳи ка-миш-  
кавотин фиҳо мисбоҳун ал-мисбоҳун фи зужожэтин аз-зужо-  
жату ка аннаҳо кавкабун дуррийун йўқаду мин шажаратин  
муборакатин зайдуннатин ло шарқийятин ва ла ғарбийятин  
йуқоду зайдуҳо йузу ва лав лам тамсасҳу норун нурун ъала  
нурин йаҳдия-л-лоҳу би кулли шайъин алимун

Иана иккинчи ракъат ўлғанда  
«Фотиҳа»дин кейин ўқу анда.

Фи буйутин азина-л-лоҳу ан турфаъа ва йузкару фиҳо-с-  
муҳу йусаббиҳу лаҳу фиҳс би-л-ғудувви ва-л-осоли рижолун  
ла тулҳиҳим тижоратуң ва ла байъун ъан зикри-л-лоҳи ва  
иқома-с-салоти ва ийтои-з-закоти йахофуна ѹавман татақал-  
лабу фиҳи-л-қуллубу ва-л-абсору ли йажзийа ҳуму-л-лоҳу  
аҳсана мо ъамилув ва йазидахум мин фазлиҳи' во-л-лоҳу  
йарзуқу ман йаша би файр ҳисобин.

Иана айтай намоз-и чошт эшиш.  
Тут қулоқ ушбу арзадошт эшиш.

Билга-сен суннат ўлди ушбу салот,  
Номуъайян-дурур vale ракаъот.

Муни Ҳазрат ўтаб-туар билингиз,  
Гаҳ ики, гоҳ тўрт, гаҳ, секиз.

Баъзи эл деб-туур ўн ики дағи.  
Ўтангиз бу намоз чошт чоғи.

Ўтангиз бу намоз ики ракъат,  
Ўқу «ал-ҳамд»дин сўнг ул фурсат.

Ўқуғай-сен бурунқи ракъатта.  
«Ва-з-уҳо» сурасин қироъатта.

Иана иккинчини ўтар ҳолат,  
Сен «А лам нашраҳ» ўқу ул фурсат.

Тўрт ракъат ўтар бўлсанг муни бил.  
«Фотиҳа»дин кейин булар ўқуғил.

Бурно «Ва-ш-шамс» ўқу бу фурсатта,  
Иана «Ва-л-лайл» иккинчи ракъатта.

«Ва-з-зухо»дир учунчи бўлғанда.  
Сен «А лам нашраҳ» ўқусанг онда.

## ТАҲАЖЖУД НАМОЗИ МАСОИИЛИ

Эмди айтай санга таҳажжуд эшиш.  
Тангрига қилсанг ар таъаббуд эшиш.

Тун ярмида ўйқудин уйғон,  
Қил таҳажжуд намозини ул он.

Бил таҳажжудни фарз Ҳазратқа,  
Суннат ўлди ва-лек умматқа.

<sup>233</sup> Ишроқ — қуёшнинг чиқиши, ёришиш.

Үйқудин бу дуъони қўпқанда,  
Ўқу, Ҳазрат ўқуп-турур анда:

Оллоҳумма лака-л-ҳамду анта қайиму-с-самавоти ва-л-арзи ва ман фиҳинна ва анта малику-с-самавоти ва ман фиҳинна ва лака-л-ҳамду анта-л-ҳаққу ва вадука ва лиқука ҳаққун ва қавлука ҳаққун ва-л-жанинату ҳаққун ва-н-нору ҳаққун ва-н-набиййуна ҳаққун ва Мұхаммадун ҳаққун ва-с-соъату ҳаққун. Оллоҳумма лака асламту ва бика оманту ва ғалайка тавакалту ва илайка анабту ва бика хосамту ва илайка ҳокамту анта раббуно ва илайка-л-масири фағғирли мө қаддамту ва аххарту ва мо асрарту ва мо аъланту ва мо анта аъламу биҳи минният анта-л-муқаддаму анта-л-муаххару анта илоҳи ла илоҳа илла-анта ва ла ҳавла вә ла қуввата илло би-л-лоҳи самиъа-л-лоҳу лиман ҳамидаҳу ал-ҳамду ли-л-лоҳи рабби-л-оламийна субҳона-л-лоҳи ва биҳамдиҳи.

Йана ўн ойат ўқумоқ-тур бил,  
«Оли Имрон» ойотидин ўқуғил.

Инно фи ҳалқи-с-самавоти ва-л-арзи ва-иҳтилофи-л-лайли ва-н-наҳори ла айотин ли увли-л-албоби-л-лазина язқуруна-л-лоҳа қийаман ва қуъдан ва аъла жунубиҳим ва йатафак-карұна фи ҳалқи-с-самавоти ва-л-арзи раббано мө ҳалақта ҳаза ботилан субҳонака фақиҳо ғазоба-н-пори. Раббано иннака ман тұдхили-н-нора фақад ахзай-таху ва мо ли-з-золимина мин ансорин. Раббано иннано самиъи мунодийан йүноди лилиймони ан омину бираббикүм фа оманно раббано фағғир лано зунубано ва каффир аънно сайиғитино ва та-вағфано маъя-л-аброри. Раббано ва отино мө ваъдаттано ғало руслықа ва ла тұхзине йавма-л-қийомати иннака ла тұхлиғу-л-миъода фастажоба лаҳұм раббукүм анил да үзиғу ғамала ғомилин минкүм мин закарин ав унса баъзукүм мин баъзин фи-л-лазинаҳо жарув ва үхрижув мин дийариҳим ва үзув фи сабилий ва қоталув ва қутилув ла укаффиранна ғанҳұм сайиғитиҳим ва ла үдхиланнаҳұм жаннатин тажри мин таҳтиҳо-л-анҳору савобан мин ғында-л-лоҳи ва-л-лоҳу ғындаҳу ҳусну-с-савоби ла яғуранака тақаллубу-л-лазина қағарув фи-л-биди мато-ъун қалилун сумма маъвоҳұм жаҳаннаму ва биъса-л-миҳаду локини-л-лазина-т-тақав рабба-ҳұм лаҳұм жаннатун тажри мин таҳтиҳо-л-анҳору холидина фиҳо нузулан мин ғынди-л-лоҳи ва мө ғында-л-лоҳи ҳайрун ли-л-аброри ва инно мин аҳли-л-китоби ламан йуъмину би-л-лоҳи ва мө үнзила илайкүм ва мө үнзила илайхим ҳошиғина ли-л-лоҳи ла йаштаруна би ойоти-л-лоҳи саманан қалилан увлоика лаҳұм ажрухұм ғында раббихим инна-л-лоҳа

сарију-л-ҳисоби. Йо айиңуҳол-лазина оману-соби्रув ва соби-рув ва робитув ва-т-тақу-л-лоҳа лаъаллакум туғлиҳуна.

Бу таҳажжуд намозини Ҳазрат,  
Гаҳ секиз құлди, гоҳ ўн ракъат.

Мен санға айтайин таъаббұддин,<sup>234</sup>  
Витрни сүнгра құл таҳажжуддин.<sup>235</sup>

Вақтида күр чу бўлса гунжойиш,<sup>236</sup>  
Бу йўсунлуқ-ки дермен этгил иш.

Бурноғи ики ракъат ичра ўқу,  
Ўқуғулукни бил-ки бор-дур бу.

«Ойату-л-курсий» ўқу, аввал, бил,  
Сўнгида, «омана-р-расул» ўқуғил.

Ўқу икинчи ики ракъатта,  
Сажда бирла «духон»<sup>237</sup> бу фурсатта.

Сен учун иккита «йосин» бил,  
Сўнғида «фатҳ» сурасин ўқуғил.

Йана тўртунчи иккита «тоҳои»,<sup>238</sup>  
Ўқу андин тамом, йо баъзи.

Витрда йана «саббнҳ» исм ўқуғил,  
Йана құл йод, «құл ҳува-л-лоҳ» бил,  
Чошт<sup>239</sup> бирла таҳажжуд-у ишроқ,  
Гар ўтар-сен менинг бу сўзума боқ.

Ушбу деган сувар<sup>240</sup> била ойот,  
Бўлмаса санға йод ул авқот.

Ҳар не қўнглунг тилар ани ўқуғил,  
Тенгри даргоҳида ибодат құл.

Вақтида вусъат<sup>241</sup> ўлса сен муни бил,  
Құл таҳажжуд намозида татвил.<sup>242</sup>

Чошт-у зуҳр-у аср ила ишроқ,  
Мутақобил-дурур<sup>243</sup> булар сен боқ.

Бом-у шом-у таҳажжуд-у хуфтан,  
Бор булар ҳам муқобила бўлған.

<sup>234</sup> Таъаббұд — ибодат қилини. <sup>235</sup> Таҳажжуд — тун оққандан сүнг ўқудан туриб ёки витр билан бирга ўқыладиган намоз. <sup>236</sup> Гунжойиш — сиғиши. <sup>237</sup> Қуръондаги «Ад-духон» сураси.. <sup>238</sup> Тоҳо — Қуръондаги 20-чи суранинг номи. <sup>239</sup> Чошт — пешин. <sup>240</sup> Сувар — суранинг кўплиги. <sup>241</sup> Вусъат — бемалоллик, кенглик. <sup>242</sup> Татвил — чўзиш, узайтириш. <sup>243</sup> Мутақобил — муқобила, рўбарў.

## КУСУФ-У ХУСУФ<sup>244</sup> НАМОЗИ МАСОЙИЛИ

Суннат ўлди қўйош, тутулғанда,  
Ўтандиз бу намозни анда.  
Бил имом-и намоз-и жумъа керак,  
Бу кишини керак имом этмак.  
Қилибон бу деган кишини имом,  
Сиз жамоъат била қилинг итмол.  
Сен, имом ул чоғ ики ракъат қил,  
Паст ўқу, узун қироъат қил.  
Ўтагандин кейин дуъо қилингиз,  
Мен айтқан киби адо қилингиз.  
Сен дуъо-ву намозни мунча,  
Қил тамом офтоб очилғунча,  
Ийдгоҳ ичра афзал ўлди билинг,  
Йўқ эса жумъа масжидда қилинг.  
Ўзга йерда ҳам ўлди бу жойиз,  
Афзал ўлди бу ики йер билингиз.  
Лек бир йерда бир жамоъат ила,  
Қилса макруҳ-дур бу ҳайъат ила.  
Бу имом бўлмағанда бу-дур сўз,  
Ўтасун ҳар ким ул маҳал йолғуз.  
Ой тутулғанда ҳам намоз ўтагил,  
Мунда йалғуз намоз ўтар-сен бил.  
Ой очилғунча қил намоз-у дуъо,  
Масъала бу-дурур шариъат аро.  
Йана ҳар тарс-и<sup>245</sup> ваҳм бўлса улуқ,  
Мисли қатиғ ўйлу қаронгулуқ,  
Қил дуъо-ву намоз бу фурсат,  
Бу маҳаллар бу феъл бил суннат.

## ИСТИҚО НАМОЗИ МАСОЙИЛИ

Йана бор-дур намози истисқо,  
Йоғмаса йомғур ани айланг адо.  
Ики ракъат-турур жамоъат ила,  
Ўтагайсиз они бу ҳайъат ила.

Позига чиқсан ул йигилғонлар.  
Пигилиб жумла-и мусулмонлар,  
Бу йигилмоққа дин эли бас-дур,  
Зиммий<sup>246</sup> ул жамъда керакмас-дур.  
Тўнини бозгана кийсун имом,  
Бу намоз айласун бу навъ тамом,  
Ушбу янглиғ ани адо қилингиз,  
Ўтагандин кейин дуъо қилингиз.  
Гар йоғин йоғмаса эшитинг роз,  
Қилинг уч кунгача бу навъ намоз.

## ИСТИХОРА НАМОЗИ<sup>247</sup> МАСОЙИЛИ

Ҳар ишни-ки қилур эсанг муни бил,  
Истихора намозини ўтагил.

Муни Жобир ҳикоят айлаб-тур,  
Мустафодин ривоят айлаб-тур.

Бу намозингни ики ракъат қил,  
Истихора валек нийят қил.

Бурно қил йо сўнғғи ракъатда,  
«Қул ҳува-л-лоҳ» ўқу бу фурсатта.

Бу намозингни чунки қилсанг адо,  
Йана андин кейин ўқу бу дуъо:

Оллоҳумма инний астахирука биъилмика ва-т-тақдирұка  
би құдратика ва асъалука мин фазлика-л-азими. Ва иннака  
тақдирү ва ла ақдирү ва таъламу ва ла аъламу ва анта ъал-  
лому-л-ғүйбү. Оллоҳумма ин кунта таъламу инна ҳаза-л-  
амра.

Мунда ул ишни хотирингда кечур.  
Лек тил бирла десанг авло-дур.

Хайрун лий фи диний ва маъюший ва ъоқибати амри ъожила-  
тан ва ъожилатан фа ақдирху лий ва йассирху лий сумма бо-  
рик лий фиҳи ва ин кунта таъламу анна ҳаза-л-амра

Мунда ҳам ул ишиңг кўнгулда кечур,  
Тил била гар истасанг авло-дур.

Шаррун лий фи дини ва маъюши ва ъоқибати амри ъожила-  
тан ва ъожилатан фа асрифху ъаний ва асрифни ъанху вак-  
дир лийял-хайра айнамо кунта. Иннака ало кулли шайъин  
қадийр.

<sup>244</sup> Кусуф-у хусуф — ой билан қўёшнинг тутилиши. <sup>245</sup> Тарс — қўрқув.

<sup>246</sup> Зиммий — исломга мутиъ номусулмон. <sup>247</sup> Истихора намози — бир  
ишни қилиш-қилмасликни билиш учун ўталадиган намоз.

Бу ишингга-ки айладинг бу салот,  
Хотирингда бу сўзни тўхтат.

Ушбу шарт анда сен муқаррар тут,  
Қилур-у қилмасин баробар тут.

Бу намозингни чу адо қилдинг,  
Қилур ишинг учун дуъо қилдинг.

Кўз агар қилмоғиға мойил-сен,  
Бетаваққуф қилур ишинг қил сен.

Боқ агар қилмасин тилар кўнглунг,  
Қилма мундоқ агар тилар кўнглунг.

## КИТОБ ХОТИМАСИ

Ли-л-ло ал-ҳамд-ким икинчи фарз,  
Сўзини билғанимча қилдим арз.

Айттим мен намозлар отини,  
Фарзини, вожибини, суннатини.

Иана сўзнинг бошиға мен қайтай,  
Қолған уч фарзнинг сўзини айтай.

## МУНДАРИЖА

Намоздия ташқариғи олти фарзнинг баёни	3
Намоз фаройизининг баёни	3
Сунинг масойили	4
«Намоз ўтар ернинг масойили	6
Кийгулук масойили	8
Нажосатнинг аввалги қисмининг баёни.	10
Нажас ишмани йумогининг баёни.	11
Бадаи таҳоратининг масойили.	12
Истинжоннинг азвалги навъининг баёни.	12
Истинжоннинг суннатларининг баёни	13
Истинжоннинг иккичи навъининг баёни.	14
Истибро масойили	14
Нажасатнинг иккичи қисмининг баёни	15
Ғуслнинг аввалги мужибининг баёни.	15
Ғуслнинг иккичи мужибининг баёни.	16
Ғуслнинг учишиби мужибининг баёни.	16
Жанаб-у ҳайз ва нифос қилмас нималарининг баёни.	16
Тўрт суннат ғуслийининг баёни.	16
Ғуслнинг фаройизининг баёни.	16
Ғуслнинг суннатларининг баёни.	17
Вузу навоқизининг баёни.	20
Вузу фаройизининг баёни.	21
Вузу суннатларининг баёни.	22
Вузу мустаҳабларининг баёни.	24
Вузу макруҳларининг баёни.	24
Ўтук масҳи масойили	26
Тайаммум баёни	26
Тайаммум навоқизининг баёни.	27
Намоз вақтларининг баёни	29
Мустаҳаб вақтлар баёни.	29
Намозда вақтлар била макруҳ вақтларининг баёни.	30
Қибла масойили.	31
Намоз иййатининг масойили	32
Қиём масойили	32
Қироат масойили	33

Рукуъ масойили	1	33
Сужуд масойили		33
Құйуд масойили		34
Намоз вожиботининг баёни		34
Сажда-ай саҳв мүжиботининг баёни		37
Намоз суннатларининг баёни		38
Намоз мустаҳабларининг баёни		40
Намоз адабларининг баёни		41
Намоз мубоҳларининг баёни		41
Намоз макрухларининг баёни		42
Намоз фосидларининг баёни		45
Беш вақт намознинг баёни		47
Мусоғирона намознинг баёни		47
Соҳиби тартибининг баёни		49
Оғриқ намозининг баёни		50
Намозни жамоъат била ўтамакнинг баёни		51
Намози жумъянинг баёни		53
Ийд намозларининг баёни		55
Садақа фитрнинг баёни		57
Курбонлиқнинг баёни		59
Улук намозининг баёни		60
Таровиҳ намозининг масойили		62
Таҳажжуд намози масойили.		63
Кусуф-у хусуф намози масойили		66
Истисқо намози масойили		66
Истихора намози масойили		67
Китоб хотимаси		68

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР**

**ҚИТОБУ-С-САЛОТ**

Узбек тилида

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БАБУР**

**ҚИТОБУ-С-САЛОТ**

На узбекском языке

Мусаввир: Темур Саъдулла.  
Техн. муҳаррир: Мирзиёд Олим.  
Мусаҳҳиҳа: Зиёдаҳон Латифхон қизи.

ИБ № 71

Теришга берилди 13. 04. 1993 й. Босишга рухсат этилди 5. 10. 1993й. Бичимз  
 $84 \times 108 \frac{1}{3}2$ . № 2 босмахона қоғози. Юқори босма усулида босилди. Шарт-  
ли босма табоги 4,5. Ҳисоб табоги 3,0. 40000 адад нусха. Баҳоси кели-  
шилган нархда. Буюртма № 4342.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг А. Қодирий но-  
мидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 7059.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахона-  
сида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-үй.